ССЖИ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИНИНГ ТЎРТИНЧИ СЪЕЗДИДА

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ҚИШЛОК ҲАҚИҚАТИ

1990 ЙИЛ 21 ДЕКАБРЬ, ЖУМА
№ 291 (5.084).
БАҲОСИ 3 ТИЙИН.

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг газетаси

1974 йил 1 январдан буён нашр этилади ◆ Душанбадан ташқари ҳар куни чиқади

ИТТИФОҚ ИТТИФОҚҚА МУҲТОЖ

Съезд белгиланган маромда ишламоқда. 19 декабрь куни эрталабки мажлис **А. И. Лукьянов** раислигида ана шу фикрни тасдиқлаш билан очилди. Анъанага кўра котибият ахборот берди, котибият раҳбариятининг муовини **В. А. Крючков** сўзга чиқди. У ССЖИ Президенти маърузасини муҳокама қилишда қатнашиш учун 443 халқ депутати сўзга чиқишга ёзилганини, улардан икки кун ичида 36 депутат нутқ сўзлаганини маълум қилди. Минбарга турли даражадаги совет ходимлари кўтарилдилар, Белоруссия Компартияси Марказий Қўмитасининг котиби, Россия Демократик партиясининг раиси, саноат ва қишлоқ хўжалик корхоналари ҳамда бирлашмаларининг раҳбарлари ва мутахассислари, олий кенгаш бир қанча қўмиталарининг раҳбарлари, ҳарбий хизматчилар, руҳонийлар сўзга чиқдилар. Нотиқ шу муносабат билан депутат Н. И. Травкининг баёнотидан ажабланганини билдирди. У ўзининг котибиятдан съезд Раёсатига тушган хатида КПСС вилоят комитетининг ҳар қандай биринчи котиби гўёки ҳеч қандай тўсиқсиз сўз олаётганини, Россия Демократик партиясининг вакили эса минбар олдига бора олиши мумкин бўлмаётганини тасдиқлайди.

Котибият вакили Н. И. Рижков, Э. А. Шеварднадзе, В. И. Крючков ўртоқлар халқ депутатларининг хоҳишларига мувофиқ съездда сўзга чиқишни илтимос қилганликларини ҳам айтди.

Съезд номига кўплаб хатлар ва телеграммалар келиб турибди. Бу хат-хабарлар ўз мазмуни ва руҳи, айтилаётган фикрларнинг ўткарлигига кўра шу қадар жиддийки, котибиятнинг фикрига қараганда, ССЖИ Олий Кенгашининг Раёсати съездан сўнг уларни чуқур таҳлил этиши ва зарур хулосалар чиқариши керак бўлур эди, деб ҳисоблайди.

Котибият бир масала ҳусусида алоҳида тўхтаб ўтишни зарур деб ҳисоблади. Маълумки кеча Молдова ССЖ халқ депутатлари съезд мажлислар залини намойишкорона ташлаб чиқиб кетдилар, улар котибиятни ўз талабларини қондирмаганликда айбладилар. Масаланинг моҳияти нимада? Молдова ССЖдан келган бир гуруҳ халқ депутатлари — В. В. Бурдужан, М. И. Снегур, Х. Г. Андреев ва бошқалар (жами 39 кишининг имзоси бор) мурожаат этиб, Молдова ССЖни ажратиб юборишга доир ғайриқонуний фаолият тўғрисида съездда тезда қарор қабул қилинишини талаб қилган эдилар. Бунда улар «Мустақил Молдова ССЖ ҳудудида Днестрбўйи ва Гагауз иттифоқдош жумҳуриятлари деб аталган жумҳуриятлар тузилишини» назарда тутган эдилар. Айни вақтда шу жумҳуриятдан келган бошқа халқ депутатлари гуруҳи — Б. Т. Палагнюк, М. К. Пашали, Н. А. Костишин—съездда Днестрбўйи ва Гагауз жумҳуриятлари тузилиши тўғрисидаги масала ҳал этилишини талаб қилганди. Кўриб турибсизки, вазият жуда мураккаб ва мушкул.

Котибият аъзолари Молдова ССЖда юзага келган вазиятда уни ҳолисона чуқур ўрганиб чиқиш керак, деган умумий хулосага келдилар, мазкур масала юзасидан съездда муноза бошланиши мумкинлигини мақсадга мувофиқ эмас, деб ҳисоблайдилар. Бу масаладар билан Олий Кенгаш, энг аввало Миллатлар Кенгаши шуғулланиши керак.

Шу билан бирга котибият мамлакат раҳбарияти юзага келган вазиятни ҳисобга олиб, Молдова ССЖдан келган барча халқ депутатлари билан яна бир марта учрашиши ва муаммони тўла-тўкис муҳокама қилиши, ўзаро мақбул ечимни топиши керак бўлур эди, деб ҳисоблайди.

Съездни олиб бориш тартиби бўйича сўзга чиқишга ажратилган анъанавий ярим соат вақт аниқ-равшан таклифларга бой бўлди. Чунончи, съезд мажлислар залидан ташқарида пайдо бўлган Иттифоқ шартномасининг норасмий матнига таяниб, депутатларнинг бири Президент барча жумҳуриятлар Олий Кенгашлари раислари билан тезда учрашишини талаб қилди. Гўёки, ҳаммага маълум лойиҳадан кескин фарқ қиладиган бу норасмий матнни жумҳуриятлар маъқуллаган эмиш. Мамлакатдаги оғир аҳволни эътиборга олиб, съезднинг иш муддатини шу ҳафта билан чегаралаш тўғрисида таклифлар айтилди. Съезд қатнашчилари вақт етишмаслиги сабабли ўқиб эшиттира олмаган кўпгина нутқларни нашр этишни рўзномалар ўз зиммаларига олишлари мумкин бўлур эди, деган фикр билдирилди. Жумҳуриятлар мустақиллигини белгилаб берган декларациялар тўғрисидаги масалани кун тартибининг алоҳида банди сифатида ажратиш ва эркин савдо тўғрисидаги қонунни муҳокама қилиш тўғрисидаги таклифларни депутатлар ижобий ҳал қилмадилар.

Эрталабки мажлисда ССЖИ Президентининг маърузаси юзасидан музокараларда **С. А. Ниёзов** биринчи бўлиб сўзга чиқди. У буюришга эмас, бошқаришга лаёқатли тузилмаларни ташкил этиш масаласи, бугунги кунда қонунларнинг бажарилишини таъминлаш асосий масала эканини таъкидлади. Юзага келган шароитда хусусан, мамлакат Президенти зиммасига давлат бошлиғи, шунингдек ҳукумат бошлиғи вазифаларини юклаш кераклигига чуқур ишонаман, деди Туркманистон ССЖ Президенти.

Янги Иттифоқ шартномаси бўлажак миллий-давлат қурилишида, минтақаларнинг иқтимоий ривожланишида муҳим аҳамият касб этиши керак, деди нотиқ. Туркманистон янгиланган федерацияга киришини тасдиқлайди.

Бизнинг митинглар қилишга, бир-биримизни айблаш ва бир-биримизга қўруқ ваъдалар беришга вақтимиз ҳам, ҳуқуқимиз ҳам йўқ, деб таъкидлади «Амалий ҳамжиҳатлик учун» гуруҳи номидан сўзга чиққан **А. Н. Крайко.**

Биз бирлашган марказий давлатда, иқтисодиётда якка ҳокимлик, марказлашган қаттиқ тузилмалар бўлган давлатда яшадик, унинг асосий синчи КПСС эди, деди у. Аҳволни ўзгартириш зарур эди. Биз эса янги тузилмаларни тузмай туриб, иқтисодий муносабатларни ўзгартирмасдан, яккаҳокимликни тугатмасдан, ҳайбаракаллачилик остида қарийб ҳамма ерда КПССни ҳукмронлик вазифаларидан маҳрум қилдик. Энди эса ҳосилни йиғиштириб олишни, вагонлардаги юкларни туширишни ташкил этадиган ҳеч ким йўқ...

Авиация моторсозлиги марказий илмгоҳининг олими қуйидагиларни таъкидлади: корхоналарни давлат таасарруфидан чиқариш, якка ҳокимликдан ҳалос этиш муҳим. Лекин корхоналарга мулк эмас, мулкка эгалик қилиш ҳуқуқи зарур. Бу ўринда ички бозорда ўзининг муайян иқтисодий сиёсатига эга бўлган замонавий технологиялар билан биргаликдагина фойдали ҳисобланган хорижий инвестицияларга нисбатан ҳам алоҳида эҳтиёткорлик зарур.

Марказда ижроия ҳокимиятини кучайтириш зарур, деб таъкидлади нотиқ. Фақат Иттифоққа, қайта қуришга ва унинг раҳбаригагина қарз беришади. Бугунги кунда бирорта сиёсий куч ёлғиз ўзи ишонч қозонган эмас.

Депутат **В. П. Фокин**нинг фикрига қараганда, Президентнинг маърузаси ҳаммани ҳам қониқтиргани йўқ — унда на фавқулодда тадбирлар, на уни рўёбга чиқаришнинг изчил омиллари бор.

Миллий муносабатларнинг аҳволи ва иқтисодий вазиятни соғломлаштириш учун масъулият зиммасига юклатиладиган хавфсизлик кенгашини тузиш зарурлигига камдан-кам кишилар шубҳа билан қарамоқдалар. Бу нарса айниқса Чернобиль фожиасини бошидан кечирган Украина халқи учун айниқса муҳимдир, деб таъкидлади жумҳурият Вазирлар Кенгашининг Раиси.

Шундан кейин у сиёсатда ва айниқса иқтисодиётда нигилизмнинг хавфи тўғрисида гапирди. Депутатнинг фикрига қараганда, жумҳуриятлар ўртасида ҳар томонлама бевосита алоқаларни ўрнатиш ва ривожлантириш бундай касалликка қарши курашнинг бирдан-бир воситаси ҳисобланади.

Бизнинг шароитда бозор адолатли, халқнинг маънавий мезонларига жавоб берадиган тарзда қабул қилинадиган қарорларни топиш жуда муҳимдир, деди Харьковдаги «Малишев номли завод» ишлаб чиқариш бирлашмаси бош технологининг ўринбосари **Н. Э. Терюк.** Унинг фикрига кўра, ҳозир энг камида бешта шартни ҳисобга олиш зарур: бозор ҳозир ҳамма лаънатлаётган заҳира иқтисодиётнинг корчалонларига эмас, балки ҳалол меҳнаткашга хизмат қилсин; меҳнат қилиш учун олий даражада шарт-шароит яратилсин; жамият ҳом ашёлардан фойдаланиш эвазига эмас, балки фан-техника тараққиёти натижасида юзага келтириладиган маҳсулот ҳисобидан устивор ривожлансин; жамоат ишлаб чиқариши жуда юқори даражада ижтимоий фойдали бўлиши ва ниҳоят жамиятда қонунлар устунлик қилиши таъминлансин.

Депутат мамлакатимизда ҳам, хорижда ҳам бундай иқтисодиётни вужудга келтириш имкониятини амалда тасдиқлайдиган мисоллар борлигини таъкидлади. У бир неча таклифлар киритди.

Съездда ССЖИ Вазирлар Кенгашининг Раиси **Н. И. Рижков** нутқ сўзлади.

Мамлакатдаги сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий соҳадаги танг вазият, **Т. К. Исмоилов**нинг фикрича, иттифоқдош жумҳуриятларни маҳаллий шароитлардан келиб чиқиб бу вазиятдан чиқиш йўлларини излашга ундади. Озарбайжонда, деб сўзида давом этди депутат, жамоатчилик барча ҳаётий муҳим муаммоларни муваффақиятли ҳал этишнинг шарти сифатида ўз халқи иқтисодий ҳуқуқларини устун даражада таъминлаш лозимлигини қатъиян айтмоқдалар.

ССЖИ Главкосмоси космик тадқиқотлар илмий ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори — бош конструктори барча муҳим кўрсаткичлар бўйича Иттифоқ ўртача даражасидан орқада қолаётган Озарбайжон иқтисодиётининг муаммоларига тўхталди.

Нотиқ меҳнаткашлар аҳволи янада ёмонлашишига йўл қўймаслик учун бошқа жумҳуриятларни келаси йилга мўлжалланган хўжалик шартномалари тузилиши ва бажарилишини қаттиқ назорат қилишга чақирди. У Тоғли Қорабоғ мухтор вилоятининг туб муаммоларига ва уни бартараф этиш йўлларига ўз нуқтаи назарини баён этди.

Ўтган съездан кейинги вақтда мамлакатдаги аҳвол кескин ёмонлашди, деди РСФСЖ Олий Кенгашининг Раиси **Б. Н. Ельцин.** Биз ҳаммамиз, Иттифоқ депутатлари буйруқбозлик-тўрачилик системаси устидан ғалаба қозониш у ёқда турсин, ҳатто бир ош бўлсада уни заифлаштиришга ҳам эриша олмаганлигимизни ҳаққоний тан олишимиз лозим. Съезд кўпинча кўпчилик рози бўлмаган ёки ҳар қалай унинг тўғрилигига шубҳаланган қарорлар тиқиштирилишига жуда кўп имкон берди. ССЖИ парламенти аслида сиёсатдан четга чиқиб қолди. Бугун съезд ўз хоҳиш-иродасини намоён этади ва ўз сўзини айтади, ёки у сайловчиларнинг умидини оқламаган съезд сифатида сиёсий майдондан кетиши керак, деди нотиқ. У Иттифоқ раҳбарияти ҳозир мамлакатни янгилашнинг аниқ сиёсий йўлига эга эмас, деди.

Россия раҳбарининг фикрига кўра, марказ даражасида тўсиққа учраган янгиланиш жараёнлари жумҳуриятларга ўтди. Хусусан жумҳуриятларда туб ўзгартишларни бошлашнинг аниқ имконияти пайдо бўлди. Нотиқнинг айтишича, партия-давлат тўрачилигининг чекланмаган ҳокимияти хавф остида қолди. Бу эса шу ерда ишонтиришга уринганларидек ҳокимлик вазифаларини Иттифоқдан жумҳурият тўраларига бериш эмас, деб уқтирди у. Бу тоталитар тузум шароитида корхоналар мустақиллигини, ўз халқларини, ҳар бир кишини Иттифоқ идораларининг зўравонлигидан ҳимоя қилишнинг бирдан-бир аниқ-равшан имкониятидир.

Россия Кремль зўравонлигининг тикланишига рози бўлмайди, деди нотиқ, бугунги вазиятда марказ билан жумҳуриятлар ўртасида ҳалол ва тенг ҳуқуқли мулоқот асосидагина таназзулдан чиқиш мумкин. Бунда Иттифоқимиз барбод бўлмайди, аксинча уни қутқаришнинг бирдан-бир йўли шу.

Новосибирск инженерлик—қурилиш илмгоҳининг директори **А. П. Яненко** Президент маърузаси ёки янги Иттифоқ шартномасининг лойиҳаси қониқтирмаганлиги сабабли, биринчи куниёқ музокараларни тўхтатишни таклиф этган айрим ҳамкасбларни фикрига қўшилмади. Лекин съезд бу — жамоа фикри, тафаккуридир, деб эслатди депутат, съездда ҳар қандай маъруза нотиқларнинг таклифлари ҳисобига бойийди. Бошқача бўлганида биз фақат маъқуллаш билан шуғулланардик, бунинг учун эса тўпланишнинг ҳожати бўлмаса керак.

Биз ҳўкумат ва Президентни озиқ-овқат маҳсулотлари, кўпгина халқ истеъмоли моллари етишмаяпти, деб жуда қаттиқ айблаяпмиз ва тартиб ўрнатишни сўраяпмиз, деди сўзида давом этиб нотиқ. Аммо, унинг фикрига кўра, мамлакатда ишларнинг аҳволини яхшилаш учун ҳар биримиз фуқаролик, меҳнаткаш, инсон вазифасини виждонан адо этишимиз муҳим шарт ҳисобланади.

Нотиқ шундай таклиф киритди: ССЖИ Олий Кенгашига хорижий қарзлардан оқилона фойдаланишни назорат этиш комиссиясини тузиш топширилсин.

Социал - демократларнинг депутатлар гуруҳи таклифига мувофиқ **А. М. Оболенский**га сўз берилди. У Россия Федерацияси Социал-демократик партиясининг мамлакатдаги аҳволга нисбатан бўлган нуқтаи назарини баён этди, бу аҳволни фалокатга яқин бир аҳвол сифатида таърифлади. Россия Федерацияси Социал-демократик партияси бошқарувининг аъзоси шу фикрни ривожлантирар экан, «кунларимизнинг ўзига хос бўлиб қолган аломатларини» санаб берди.

Шундан кейин нотиқ мамлакатдаги воқеаларнинг ривожига партиявий таъсир мавзусини тилга олди. Унинг фикрига қараганда бундай

(Давоми иккинчи бетда).

ССЖИ халқ депутатларининг тўртинчи Съездида.
ЎзТАГ телесуратлари.

МАМЛАКАТДАГИ АҲВОЛ ВА ИНҚИРОЗЛИ ВАЗИЯТНИ БАРТАРАФ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДАГИ МАСАЛА ЮЗАСИДАН

М. С. ГОРБАЧЕВНИНГ ЯКУНЛОВЧИ НУТҚИ

Муҳтарам халқ депутатлари! Съезднингина эмас, мамлакатимиз турмушининг ҳам марказий масаласи ҳусусидаги мунозарадан олган таассуротларимни қисқача тарзда ўртоқлашишимга, баъзи мулоҳазаларимни айтиб, ўзим учун қилган хулосаларни баён этишга ижозат бергайсизлар.

Маърузага тайёргарлик кўраётган пайтимдаёқ бу съезд аввалгисидан фарқ қилиши керак, деб ўйлаган эдим. У бутун диққат-эътиборини аниқ-равшан ишларга, таклифларни кўриб чиқишга, тушунарли ва муайян қарорларни ишлаб чиқишга қаратиши лозим. Хуллас, имкони борича ишчан ўтиши керак. Ҳозир ҳам шу фикрда турибман. Ҳозирги вазият ҳақида кўп гап айтилди, айтилганда ҳам турли нуқтаи назарлардан, ошкора шаклда айтилди, ҳаммамизни тўлқинлантираётган ва қийнаётган асосий саволлар кескин қилиб қўйилди, одамлар съезддан шу саволларга жавоб кутмоқдалар. Бу эса мен ҳозиргина айтиб ўтган ишчанликни талаб қилади.

Кўпгина нотиқларнинг фикрига қўшиламан: митингбозликни, сиёсий шовқин-суронни, ўзаро айблашларни, иккиланишларни бас қилайлик, барча амалий имкониятларни, съезднинг бутун қудратини бирлаштириб, бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилиб, инқирозли вазиятни бартараф этиш соҳасидаги ҳаракат дастурини келишиб олишга эришайлик. Шундай қилиш бизга ҳозир ҳамма нарсадан ҳам кўпроқ керак, башарти биринчи кунга режалаштирилган ва муайян мақсадларни кўзлайдиган хатти-ҳаракатларни эътиборга олмасак, умуман мунозара танқидий руҳда ўтди, баъзан ўткир тус олди, бироқ айни вақтда амалий руҳда, мазмунли ўтди.

Шуни қайд этиб ўтишни муҳим деб ҳисоблайман: биз ҳаммамиз, ҳеч бўлмаганда, кўпчилигимиз ҳозирги бош вазифа одамлар осойишта яшаб ишлай олишлари, ўз олдиларида пайдо бўлган қийин муаммоларни ҳал этишлари учун ва орқага тисарилмай, жавобларни ўтмиш ҳаётдан изламай, балки ислоҳотларни албатта олға силжитишлари учун давлат ва жамоат тартибини, интизомни мустаҳкамлаш, вазиятни барқарорлаштириш керак, деган фикрга келмоқдамиз. Ўтмишдан бундай жавобларни топиб бўлмайди.

Марказий ҳокимият шаннига бир талай ўткир танқид, ҳаққоний талаблар айтилди, фойз тарзда ҳисоблаб чиқилса, уларнинг асосий улуши, эҳтимол, Президентнинг гарданига тушади. Юқорида айтиб ўтганимдек, бу танқид ва талаблар асосан ўринли ва ҳокимият идоралари уларни амалга оширишлари керак. Биз ҳаммамиз шундай қилишнинг тарафдоримиз ва биз жумҳуриятлар ҳақиқий мустақилликка эришган шароитда бу вазифа — тартиб ўрнатиш, фуқароларнинг шахсий ва мулкий хавфсизлигини, конституциявий тартибқоидаларни ҳимоя қилиш, қонунийликни қарор топтириш вазифаси марказнинг, жумҳурият ва маҳаллий идораларнинг келишиб иш тутишларини талаб қилишини тушуниб турибмиз, деб ҳисоблайман. Бундан бошқа йўл йўқ. Бу ерда ўзаро айблашлар ва қарама-қарши қўйишларга ўрниши содир бўлганлиги сабабли мен айниқса ҳозирги вақтда бу йўл беҳуда деб ҳисоблайман ва у қатъият билан рад қилинишини керак. Турли йўналишдаги депутатлар ҳам шу ҳақда гапиришди. Охир оқибат, халқ ва мамлакат манфаатлари ҳамма нарсадан юқори қўйилиши лозим ва ҳар қандай сиёсий машмаша, шу хусусдаги даҳанаки жанг, масъулиятсизлик халқимиз томонидан қабул этилмайди, қораланади, деб ўйлайман. Чунки шундай қилиш / биз ҳеч нарсани кўришни хоҳламаётганимизни, мамлакатда рўй бераётган ҳамма ҳодисаларни чинакамига ҳис этмаётганимизни билдирган бўлур эди.

Шу муносабат билан юқори лавозимдаги баъзи раҳбарларнинг нутқларига жавоб бермай ўта олмайман. Марказ муаммосини рўкач қилавериш ва мустақиллик тўғрисидаги масалани қўйиш устунлигини ўзиники қилиб олиш етар. Бу масала уларнинг баъзилари ўз лавозимларига чиқмасидан аввалоқ қўйилган эди ва миллий масалага оид қарорларда ҳамда дастурларда қайд этиб қўйилган эди. Бу — ҳаммага маълум.

Биз кўпмиллатли давлатимизни шундай аҳволда қолдира олмаймиз, шу сабабли уни тубдан ўзгартириш йўлига кирдик. Бу ишдан бўйин товлаб бўлмайди, акс ҳолда шу қадар кўп халқ яшаб турган жамиятда ҳеч қандай мақсадларга эришиб бўлмайди. Унитаризмдан, ўта марказлашувдан воз кечиш, ўзимиз бошлаган йўлдан Федерация қондалари асосида мустақил давлатлар иттифоқи сари бормоқ керак.

Шу масала ҳусусидаги мунозараларда совет халқига Кремлни олабўжи қилиб кўрсатишни бас қилайлик. Кремлда ССЖИ халқ депутатларининг Съездлари, Россия Федерацияси халқ депутатларининг съездлари бўлиб ўтмоқда. Касаба уюшмалари шу ерда мажлис қилмоқда, ишчилар шу ерда йиғилишмоқда. Бу — бизнинг Кремлимиз. Бу ерда бемалол фикрлашиб олинмоқда, сиёсат шу ерда ишлаб чиқилмоқда. Кремлнинг бугунги намояндалари — жумҳуриятларнинг вакилларидир. Уларга бир назар ташланг, бу ерда қанча кишн меҳнат қилаётганини кўринг. Яхшими, ёмонми, кимлар муваффақиятли ишлаяпти, кимларнинг иши юришмаяпти, аммо бу кимдир ўйлаб чиқарган ийдирма эмас, бу марказни биз ўзимиз ижод қилганмиз, энди уни ислоҳ қилмоқчимиз, бошқача қиёфага киритмоқчимиз. Бу хусусдаги сиёсий найрангларни қораламоқ керак.

Мамлакат корхоналари ва минтақалари ўртасидаги хўжалик алоқалари узилганлиги хусусидаги бутун алам, безовталик ва ҳатто қаҳрагазаб съезднинг мажлис залига сочилди. Сўзга чиққан баъзи кишилар бу ишдаги ҳақиқий вазиятни билимдонлик билан асосли тарзда тасвирлаб берди. Мен шу нарсанинг магзини чақяпман. Эҳтимол, бизнинг кулфатимиз мана шундадир. Бу ерда, съездда ҳам шу тушунча намоён бўлди. Назарий концепциялар баён этилди ва айни вақтда ўртоқлар иқтисодиётимиздаги жараёнлар ҳақида, шаҳарларда, минтақаларда, жумҳуриятларда нималар бўлаётгани ҳақида мазмундор ахборот бердилар. Баъзи мулоҳазаларни тинглаганимда, аслида тўғридек туюлади, аммо фақат соф назарий нуқтаи назардангина шундай бўлиб кўринади. Бироқ жиддий фан башарти ўзини доимо тажриба орқали текшириб бормаса, унинг томир уришини илғаб олмаса ва ўз навбатида бу тажрибани бойитмаса тўғри тавсиялар бера олмайди. Мана шундай текшириб, хулоса чиқариш ҳали рўй бергани йўқ. Шунингдек мен турмушдан, тажрибадан олиб гапираётган, ишлаб чиқариш жамоаларининг вакиллари бўлган кишиларни илм-фанга салбий муносабатда бўлмаслик керак деб огоҳлантириб ҳам ўтмоқчиман. Бу — хатарли эканига менинг ишончим комил, ўртоқлар, Қайта қуриш рўй бераётган, катта-катта қарорлар қабул этилаётган ҳозирги пайтда муштлашиш билан, бир-биримизга айб қўйиш билан шуғулланмай, куч-ғайратларни бирлаштиришимиз керак. Ҳадеб бир-бирини айблайвериш беҳуда йўлдир.

Хўжалик алоқаларига қайтаман. Дастлабки нутқлардан бири — йирик вертолёт заводи директорининг нутқини эшитиб жуда хафа бўлдим. Бу завод бутун мамлакат билан мингдаб йўллар орқали боғланган бўлиб, энди рўй берган тўсиқларга дуч келиб қолибди. Корхонада эса минглаб киши ишлайди.

Бу ерда марказ шанига, бундай тўсиқларга йўл қўйган жумҳуриятлардаги ҳокимият ва маҳаллий маъмурлар шаънига айтилган танқидий фикрлар бу масалага жуда катта аҳамият бериш зарурлиги тўғрисида маърузада айтилган фикрни тасдиқлайди. Меҳнат жамоаларининг нормал ишлаши — оилалар, ҳар бир жумҳурият, умуман Иттифоқ фаровонлигининг манбаидир, йирик ижтимоий режаларни рўёбга чиқариш манбаидир. Бинобарин, барқарорликнинг энг муҳим манбаи ҳамдир. Меҳнат жамоаларининг бугунги ва эртанги кундан кўнгиллари тўқ бўлса — мамлакат ҳам барқарор бўлади, унда мамлакатга ҳеч ким путур етказа олмайди.

Биз съезд ишлаб турган кунлардаёқ 1991 йилги иқтисодий битим муҳокамасини ниҳоясига етказишимиз ва шу тариқа меҳнат жамоаларини ташвишдан ҳалос этишимиз лозим. Мен яқин бир—икки кун ичида мажлислардан сўнг ва федерация кенгаши доирасида жумҳуриятларга юборилган лойиҳани ва уларнинг мулоҳазаларини жумҳуриятларнинг раҳбарлари билан кўриб чиқишни мўлжаллаб турибман. Шу битимни албатта тузишга эришиш лозим. Ҳозир у барча кишиларимизга бениҳоя зарур.

Мазкур муҳим ва ўткир мавзуни тугаллаш учун яна бир масала ҳақида гапирмоқчиман. Бу ерда ким ҳақ, ким айбдорлиги ҳақида мунозара бошланди. Менинг натура тарзидаги айирбошлашни, жумҳуриятлар ва минтақалар ўртасидаги иқтисодий тақиқлар машмашасини танқид қилганимни жумҳуриятларнинг янги мавқеини ва улар ўртасидаги муносабатларни маъқуллламаслик, деб тушунибдилар. Албатта, ҳозир рўй бераётган ҳамма воқеаларни, мана шу барча божхоналарни ва шунга ўхшаш бошқа ишларни бирон-бир тарада оқлаш мумкиндир; бу— ҳом ашё ва маҳсулот етказиб бериш барбод бўлганлигига, иқтисодий турмушимиз издан чиққанлигига жавоб тариқасида қилинган ишдир. Бироқ, ўртоқлар, буни иқтисодиёт ишидаги истиқболли йўналиш деб талқин этиш—бозор тарафга эмас, ундан нарига, тескарига қараб эшкак эшиш демакдир. Чунки биз истаймизми ёки йўқми, барибир бу нарса жонли, жўшқин умумиттифоқ бозорини шакллантириш йўлида объектив равишда тўғаноқ бўлиб қолади, унинг асосий субъектлари бўлмиш корхоналарнинг фаолиятига ҳалақит беради. Корхоналар фаол ҳаракат қилишлари, ташаббус, тадбиркорлик кўрсатишлари, вужудга келган алоқаларни давом эттиришлари ва ўз имкониятларини намоён этиш учун янги ҳамкорларни топишлари лозим. Иқтисодиётимизга янги жўшқинлик бахш этишнинг манбаи мана шудир.

Аммо бу вазиятни фожиали қилиб кўрсатмоқчи эмасман. Эҳтимол, биз шу босқичдан ҳам ўтишимиз, уни бошдан кечиришимиз, бу мураккаб вазифани ҳал қилишнинг энг мақбул нусхасини топиш учун пухта ўйлашимиз, баҳслашишимиз керакдир. Нутқларда ҳам, менга юборилган саволларда ҳам ўртоқлар иқтисодий ислоҳотлар жараёни қандай ривожланиши хусусида хавотир олаётганликларини изҳор қилмоқдалар, ноиложликдан кўрилаётган вақтинчалик чора-тадбирлар доимий тус олмасмикан, бу нарса айни ҳозирги пайтда, иқтисодиётимиз ислоҳотларнинг ҳал қилувчи босқичига чиққан вақтда уни ислоҳ қилиш йўлидаги тўсиққа айланиб қолмасмикан, деб сўрамоқдалар.

Бунинг акси бўлади, деб ўйлайман, ўртоқлар. Чунки бу чора-тадбирлар айни хўжалик алоқаларини барқарорлаштириш ва бозор муносабатларига ўтишга алоқадор ислоҳотларнинг бутун комплексини амалга оширишга шароит яратиш учун аниқ вазиятда кўрилмоқда.

Бошқача сурўат билан бориш, мамлакатдаги пул муомаласини, бутун молиявий системани барқарорлаштириш масалаларига янада қатъият билан ёндашиш тўғрисида кўпгина таклифлар тушди. Кўпгина ҳаққоний гаплар айтилди, хатоларга эътибор қаратилди, бу хатолар ҳақида мен ҳам гапирган эдим. Шу билан бирга, ўртоқлар, манзарани бошқача нуқтаи назардан тўлдирдилар. Шундай қилмай туриб бозор муносабатларига ўта олмаслигимиз ҳаммага равшан. Келинглар, оғриқли жараён ҳадеб давом этавермаслиги, жамиятга «азоб беравермаслиги» учун, съездда келгуси олти ой ёки, эҳтимол, бутун 1991 йил эҳтимол, халққа унча манзур бўлмаса ҳам, энг масъулиятли, аммо зарур қарорларни қабул қилиш вақти бўлишига асосланиб иш тутайлик.

Таклифларнинг бир қисми ҳозирнинг ўзидаёқ амалга ошириш режалаштириб қўйилган тадбирларни назарда тутади, бошқаларни эса кўриб чиқилиши лозим. Бизда мана шундай қарорларни қабул қилиш учун сабр-тоқат ва мардлик етарли бўлиши кераклигига кўпроқ эътиборингизни қаратмоқчиман. Одамлар фикримизнинг тўғрилигини тушунишлари керак ва тушунадилар, деб ўйлайман. Бироқ, башарти, биз натижаларга эришмасак, уддасидан чиқа олмадик, деб айтишимиз ва ўзимизга ўзимиз ҳукм чиқаришимиз керак бўлади.

(Давоми иккинчи бетда).

М. С. ГОРБАЧЕВНИНГ ЯКУНЛОВЧИ НУТҚИ

(Давоми. Боши биринчи бетда).

Съезддаги мунозарани баҳолар эканман, биз озиқ-овқат таъминотини нормаллаштириш соҳасида фавқулодда ва узоқ муддатли чора-тадбирларни таклиф қилганимизда ҳаммамиз бунинг, тўғрисини айтганда бутун жамият, ҳокимиятнинг барча тузилмалари, ёпирилиб ҳал қилиши лозим бўлган масала эканлигини тушунамиз. Жумҳуриятлар ўртасидаги озиқ-овқат таъминоти масалалари юзасидан бу йилги битим ҳаммаларнинг куч-ғайратларини бирлаштириши ва вазиятни яхшилик сари тезроқ ўзгартиришни таъминлаши лозим. Бу соҳада кўп иш қилиниши ва айниқса озиқ-овқатни асрашда, тақсимлашда ва уни сотишда тартиб ўрнатиш керак.

Баъзи жумҳуриятлар раҳбарларининг нутқларида маслаҳатлашувлар ва битимни тайёрлаш даврида марказ маҳсулот етказиб беришнинг қандайдир номақбул, оширилган ҳажмларини мажбуран қабул қилдирмоқчи, деган фикр эшитилиб қолди. Ўйлайманки, биз йиғилиб, жумҳуриятлар ўзаро маҳсулот етказиб бериш ҳақида қандай келишган бўлсалар, шундай ёзиб қўямиз. Бир битимга келсалар бас, мен боғловчи восита сифатида қатнашаман. Ҳозир нималар бўляпти ўзи? «Менинг жумҳуриятимга» фойдали бўлган ҳамма нарса қабул қилинянти, кўпроқ нарса юбориш истаги билдириляпти, жумҳуриятдан жумҳуриятлараро асосда мол етказиб бериш ҳақида гап очилганида, иш бошқача тус олянти. Ахир, бизнинг иқтисодиётимиз шу қадар кучли ихтисослаштирилганки, бир жойдаги ерларнинг 80—90 фоизида пахта етиштирилса, бошқа жойдаги ерларнинг кўпчилиги дон ва чорвачилик билан машғул. Демак улар ўзаро мол айирбошлашлари керак. Шундай қилмасдан яшаб бўладими ахир! Ёқадими, ёқмайдими ҳақиқий аҳвол мана шундай. Ҳозир биз бу аҳволдан ҳеч қутила олмаймиз. Сиёсатда ҳам, айниқса амалий қарорларда ҳам бундан бошқача йўл тутиб бўлмайди, иложини топмоқ керак.

Битимлар иш асосида шакллантирилади, деб ҳисоблаб, шу гаплар билан чекланмоқчиман. Мазкур масалани бу ерга кўчириш, съездда муҳокама мавзуига айлантиришнинг зарурати йўқ. Аммо биз битимга эришилдими, келишиб олиндими ёки йўқми эканлиги ҳақида ахборот беришимиз керак. Бу ахборот депутатларга аввало ўз жойларига борганларида одамларга, мана биз съезднинг назорати остида мана бундай битим тузилишига муваффақ бўлдик, деб айтиш учун керак.

Кеча биз деҳқончилик соҳасининг вакиллари билан учрашдик, улар ўз масъулиятини англаб турибдилар. Мен съезд декларация қабул қилсин, унда 1991 йил ер муносабатларида, деҳқонларнинг турмушида туб ўзгаришлар йили деб белгилансин, деган таклифни айтдим. Эътироз бўлмади. Шу сабабли таҳрир комиссияси мана шу декларациянинг лойиҳасини тақдим этсин, деб таклиф қиламан.

Қишлоқ хўжалиги соҳасида фойдаланилмай ётган эҳтиётларни ҳисоб-китоб қилишга, Советлар ихтиёрида деҳқон хўжаликларига ва ерда ишлашни ҳоҳлаган ҳаммага бериш учун ер фондини вужудга келтириш хусусида шуни айтиш керакки, жумҳуриятлар билан келишиш учун юборилган ҳужжатлар орасида Президентнинг полизчилик ва боғдорчилик билан шуғулланишни ҳоҳловчи фуқароларнинг илтимосларини қондириш тўғрисидаги фармони ҳам бор. Бу тадбир Советларимиз учун имконият очиб беради ва агар бунга эътиборлар бўлмаса, съезд ўз нуқтаи-назарини айтиши керак, деб ўйлайман. Гарчи бу — жумҳурият ва маҳаллий ҳокимият идораларининг иши бўлса ҳам, бу ерда шу фикрни қайд этиб қўйиш муҳимдир. Вазирлар маҳкамаси ва жумҳуриятларнинг ҳукуматлари шу иш билан бевосита шуғулланишлари лозим.

Ерга хусусий мулкчилик масаласига оид референдум ҳақида. Бир қанча жумҳуриятларда бу хусусда қонунлар қабул қилинган, улар ҳар жиҳатдан ҳам бир-бирига тўғри келавермайди. Россияда — бир хил, Белоруссияда бошқа хил, Болтиқбўйида эса ҳатто ерларни буржуа мулкдорларига қайтариб бериш ҳақида гап борянти. Аммо буларнинг ҳаммаси — ҳокимият идораларининг қарорларидир. Мен баҳорги дала ишларини эътиборга олиб, референдумни пайсалга солмай ўтказишни таклиф қилдим. Бу ишни барча жумҳуриятларда февралгача тугаллаш лозим. Съезд эса бу хусусдаги ўз фикрини айтиши керак, деб ўйлайман.

Ижроия ҳокимиятининг вазифалари ҳақида. Бу масала юзасидан энг кўп танқидий мулоҳаза, аччиқ бўлса ҳам, аммо ҳаққоний таъналар айтилди, деса бўлади. Хуллас, мунозара ҳокимият тўғрисидаги масала ҳозир бош масала эканлигига яна бир бор ишонч ҳосил қилдирди. Шу масалани ҳал қилмай туриб, биз тағзаминли ислоҳотларнинг шу босқичида иқтисодиётдаги, миллатлараро муносабатлар соҳасидаги, жамоат тартибини, қонунийликни мустаҳкамлашдаги бошқа кўпгина муаммоларни ҳал эта олмаймиз.

Ижроия ҳокимиятининг фақат юқори табақасини ислоҳ қилиш, такомиллаштириш йўли билан бу ҳокимиятнинг самарали ишлашига эришиб бўлмаслиги ҳақида маърузада айтилган фикр мунозарада янада ривожлантирилди. Дарҳақиқат, ижроия ҳокимияти бир система бўлиб, унинг ўз қонунлари, ўзига хос ташкилий ва фаолият қоидалари бор. Шу сабабли мен Президент ҳокимияти мамлакатдаги бутун ижроия ҳокимияти системасига таянган тақдирдагина ўз вазифасини бажара олиши ҳақида бу ерда айтилган фикрга тўла-тўкис қўшиламан. Бу ўринда гап Иттифоқ ҳақида бораётганлиги хусусида тўла равшанлик бўлмоғи лозим. Албатта, янгиланган, мустақил давлатларнинг Иттифоқига айлантирилган, ҳуқуқ доираси янгича фарқлаб қўйилган Иттифоқ ҳақида. Ҳар ҳолда яхлит давлат ҳақида гап борянти. Бундай шароитда ижроия ҳокимиятининг ягона системаси бўлиши лозим. Умумиттифоқ бозори парчапарча қилиб ташланадиган бўлса, ижтимоий-иқтисодий тараққиёт бўлмайди, аммо ижроия ҳокимият занжиридаги ҳалқалар бир-биридан ажратиб юборилган, унинг барча ҳалқалари бир-бири билан узвий равишда боғланмаган тақдирда ҳам ижтимоий-иқтисодий тараққиёт бўлмайди.

Бу нарса ҳаммамизга равшан бўлиши керак ва мамлакатдаги ижроия ҳокимияти системасини ташкил этиш пайтида шунга асосланмоғимиз керак. Иттифоқнинг ва жумҳуриятларнинг мустақиллиги қоидасини амалга ошириш асосида иттифоқни Федератив давлат тарзида сақлаб қолишга умуман қарши бўлган кишиларгина бунга қарши бўладилар, деб ҳисоблайман. Буни мен мунозара чоғида пайқаб олган эдим. Мана шундай диалектик боғланиш бўлиши керак.

Миллатлараро муносабатлар муаммоси ҳақида. Мазкур масалалар бу ерда, съезда жуда ўткир қилиб қўйилди — умумий тарзда ва айрим жумҳуриятлардаги, энг қайноқ можороли жойлардаги аҳвол ҳақида гапирилди. Съездга ва Президентга юборилган хатлар ва мурожаатномалар, бўлиб ўтган ва режалаштирилаётган суҳбатлар ҳам аксарият ҳоллларда айни шу мавзу билан боғланган.

Барча масалалар хусусидаги фикрлар бир жойдан чиқянти, деб айта олмайман, албатта, аммо асосий масалада умумий ёндашув аниқ кўриниб турибди. Одамларимизнинг кўпчилиги Иттифоқни сақлаб қолиш ва айни вақтда уни янгилаш тарафдоридир, биз буюк мамлакат бўлиб қолишимиз, барпо этилаётган янги дунёнинг тиргакларидан бири бўлишимиз тарафдоридир. Шу билан бирга, биз инсонни, оилани, шахс ҳуқуқларини ҳимоя қила олмаганимиздан асло қаноатланмаслик туйғусини яна бир бор сездим. Мана шундай вазиятни тузатиб олиш керак, бу вазият учун марказ ҳам, у билан бирга турли даражада жумҳурият, маҳаллий идоралар ҳам масъулдирлар. Биз ўзаро баҳамжиҳат ҳаракат қилсак, муштарак манфаатларга асосланиб, бир ёқадан бош чиқариб куч-ғайрат сарфласаккина бу вазиятни тузатиб олиш мумкин. Биринчидан, инсон ҳуқуқлари ҳамма нарсадан юқори туриши керак, иккинчидан ҳар қандай баҳсли масалани бошқа халқнинг ҳисобига ҳал этиб бўлмайди.

Айни шундай масалаларни ҳал этиш жуда ва жуда қийинлигини айтиб ўтишим керак. Гапимга ишонинглар.

Литва, Латвия, Эстониядаги воқеаларнинг бориши бизни гоят ташвишга солмоқда. Шу жумҳуриятларда неча ўн йиллар яшаб, уларнинг иқтисодиётини ва маданиятини ривожлантиришга шак-шубҳасиз ҳисса қўшган одамларнинг анчагина қисми энди жумҳурият фуқаролигидан маҳрум этилаётган бўлса, бунга нима деб бўлади. Бу ҳеч қандай конституцияларга ва қонунларга, шу жумладан инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро ҳужжатларга тўғри келмайди.

Биз бу масалаларга равшанлик киритишимиз керак. Болтиқбўйи жумҳуриятлари қарийб ярим асрдан буён ССЖИ таркибида туришибди. Бу ҳол, шубҳасиз, улар билан бошқа жумҳуриятлар, умуман Иттифоқ ўртасида ўзаро мажбуриятларнинг — иқтисодий ва сиёсий мажбуриятларнинг, фуқаролик масалалари билан, одамларнинг турмуши билан ва баъзи ҳолларда ҳудуий муаммолар билан боғланган мажбуриятлар мажмуини келтириб чиқаради. Ҳатто халқнинг ҳоҳиш-иродасини аниқлашга интилиб ҳам кўрмай, вужудга келган алоқаларнинг бутун мажмуини ана шундай, йўл-йўлакай, бир варакайига узиб ташлаш тўғрилигича бизни ҳеч ким ва ҳеч қачон ишонтира олмайди. Шу боисдан ҳам мен референдум ўтказишни таклиф қилдим, шу референдум давомида ҳар бир фуқаро бу масалага ўз муносабатини билдиради.

Съездда ўртоқ Мошняга сўзга чиқди. Мен у билан ва молдовалик бошқа халқ депутатлари билан учрашганман. Бугун мажлисдан кейин шу жумҳуриятдан келган депутатлар билан учрашишни назарда тутяпман. Бу ерда ҳам ҳаддан ташқари қалтис вазият вужудга келганини ҳаммамиз биламиз. Бинобарин, кишиневлик, днестрбўйлик ўртоқларнинг, гагауз халқи вакилларининг далилларини тинглаганда бир адолатсизлик иккинчисини, униси яна бошқасини келтириб чиқаради, деган фикр беихтиёр хаёлга келади. Воқеаларнинг шу занжири муқаррар равишда вазиятни баттар кескинлаштиришга, душманликни кучайтиришга, каттароқ қулфатга олиб боради. Шу боисдан ҳам биз аввал бошданоқ жумҳурият вакилларининг диққат-эътиборини пухта ўйланмай қабул этилган, фуқароларнинг қандайдир бир қисми ҳуқуқларини бузган қарорлардан мардона воз кечиш зарурлигига қаратган эдик.

Барча фуқароларнинг нормал яшаши учун кафолатлар яратилса — энг муҳим сиёсий муаммоларни ҳал қилиш учун шарт-шароит ҳам бўлаверади. Бу муаммони ҳал этиш мумкинлигига ишончим комил, у ҳали одамлар ўртасидаги ғаниблик бартараф этиб бўлмайдиган даражадаги ўткиркликка етиб борган эмас. Жумҳуриятда молдованлар ҳам, руслар ҳам, украинлар ҳам, гагаузлар ҳам, греклар ҳам яшайдилар. Улар учун муштарак бўлган муаммоларни шундай ёндашувлар асосида ҳал қилиш керакки, Молдованинг Иттифоқ таркибидаги мустақил жумҳурият сифатидаги ҳудудий яхлитлиги сақланиб қоладиган бўлсин.

Тоғли Қорабоғдаги аҳвол ҳамон кескин ва қалтис бўлиб турибди. Бундан аввалги съездлар, Олий Совет, кўпдан-кўп комитетлар ва комиссиялар шу масала билан шуғулланишди. Бу масала Президент ва ҳукуматнинг доимо диққат марказида турибди. Ҳар ҳолда, ССЖИ Олий Кенгашининг янги таркибига ўзининг дастлабки ' мажлисларидаёқ бу масалага қайтишни топшириш тўғри бўлар. Ўйлайманки, Федерация Кенгаши янги ваколатларни эътиборга олиб, бу масала билан шуғулланади. У ерда конституциявий тартиб-қоидалар тиклانيши лозим. Бу соҳада нормал турмушни, фуқаролар тинчлигини тиклаш учун амалий шарт-шароит бор.

Жанубий Осетия мухтористи билан боғлиқ воқеалар ҳақида. ССЖИ Олий Кенгашининг Грузия раҳбариятига ва мазкур мухтористга, шу халқларга мурожаатномасини тўғри деб ҳисоблайман. Ишни қатъий талаб қўйиш воситаси билан ҳал қилиб бўлмайди. Бир-бирининг фикрини тушунишга ва бир-бирининг раъйига қарашга интилмоқ керак. Президент сифатида бу ерда фуқароларнинг ўткир можароси чиқишига йўл қўймасликни ўз вазифам деб ҳисоблайман.

Ҳозир мен миллатлараро муносабатлар билан боғлиқ бўлган бошқа барча муаммоларга тўхтала олмайман. Фақат шуни таъкидлаб ўтмоқчиман: вазият айниқса кескин тус олган, давлат хавфсизлигига ва одамларнинг ҳаётига жиддий хавф тўғилган жойларда фавқулодда ҳолат жорий қилишга ёки Президент идора усулини тадбиқ этишга тўғри келади. Бундай ҳолда Президент бутун масъулиятни ўз зиммасига олишга тўғри келади, менинг бир фикрга келиш ва биргаликда ҳаракат қилиш йўлидаги интилишларим инқиликка олиб келмаган тақдирда шундай бўлади. Аччиқ тажрибани ва съездан аввал ва съезднинг ўзида Президент шанига айтилган таъналарни идрок этиб, шундай хулосага келяпман.

Иттифоқ шартномасини тузиш иқтисодлига келганда шуни айтиш керак: съезд бу масалага қайтади. Бироқ бу ерда кўпгина депутатлар киритилган лойиҳани қўллаб-қувватлашларини ҳам айтганликлари, уни қабул этмасликларини ҳам билдирганликлари сабабли ўз фикримни айтиб ўтмоқчиман. Назаримда, биз ҳаммамиз у ёки бу томон фойдасига ҳаддан ташқари қатъий, душвор баёнотлардан воз кечишимиз фойдали бўлади. Биз катта йўлни босиб ўтдик, мен бу гапни шу мавзуда оғзаки ва ёзма саволлар берган кишиларга гапиряпман. Биз мустақил жумҳуриятларнинг декларациялари, жумҳуриятлар вакилларининг масла-ҳатлашувлари, Федерация Кенгашидаги муҳокама, ССЖИ Олий Кенгашидаги кетма-кет ўтказилган муҳокама, илмий мунозаралар орқали Иттифоқ шартномасининг ҳозирги лойиҳасига эришгунча катта йўлни босиб ўтдик. Бу мураккаб муаммо бутун жамиятда муҳокама қилинмоқда. Иттифоқ шартномасининг ҳозирги лойиҳаси — бюрократиянинг маҳсули, деб ҳисоблаш мана шу машаққатли жараёнда қатнашган барча кишиларнинг обрўсига доғ тушириш бўлур эди. Иш давом этмоқда, ҳар бир жумҳуриятдан мухтор вакилларнинг гуруҳлари тузилган.

Съезд мамлакат турмушининг мана шу туб масаласи хусусидаги ўз фикрини айтишини жамият кутиб турибди.

Сўзимни тамомлар эканман, Съезд Олий ижроия ҳокимиятининг тузилишини ўзгартириш тўғрисидаги, тартиб ўрнатиш ҳақидаги, озиқ-овқат таъминотини яхшилашга, иқтисодиётни барқарорлаштиришга оид энг зарур чора-тадбирлар тўғрисидаги таклифни қиллаб-қувватлайди, деб ишонч билдирмоқчиман.

Кеча мен деҳқонларнинг вакиллари билан суҳбатлашдим ва қуйидагиларни айтдим. Бизнинг таклифларимиз қай тусда бўлмасин, кўпинча уларга қаршилик қилинмоқда. Иттифоқ шартномаси ва ваколатларни фарқлаб қўйиш асосида ижроия ҳокимиятини чуқур қайта қуриш кераклигини қатъий қилиб айтдик ва исботладик, бу бизнинг эътиқодимиздир. Бизни, шу ишни пайсалга солянпсизлар, қатъиятсизлик қиляпсизлар, мана шундай вақтда ҳокимиятнинг фалаж бўлиб қолишига йўл қўйиб бўлмайди, деб таққид қилишган эди. Пировард натижада биз ҳаммасини чамалаб кўриб, шундай қилишга қарор бердик. Энди яна ўша нотиқлар бизни таққид қилишяпти. Бу — бетайинликдан, сиёсий найрангдан дарак беради. Бундан бошқа гап йўқ.

Биз ижроия ҳокимиятининг фалажлигини бартараф қилишимиз керак. Халқ ҳаракат қилишимизни, тартибни, барқарорликни, ислоҳотлар режаси амалга оширилишини кутмоқда. Таклиф этилган чора-тадбирларни синчиклаб кўриб чиқиш — қайта ишлаб пухталаштириш, бойитиш, эҳтимол, бирор нарсани олиб ташлаш керакдир, аммо, албатта, бир қарорга келиниши лозим. Киритилган таклифларни съезд қўллаб-қувватлайди, деб умид қиламан.

Ўртоқлар! Вазият хусусида биз бу ерда таққослаб кўрган фикрларга, ўртага ташланган ва ҳали ўрганилиб, умумлаштириладиган таклифларга асосланиб шундай дейиш мумкин: ишнинг якунида биз инқирозга қарши дастурни, ҳозирги пайт талабларига мос келадиган реалистик ҳаракат дастурини қабул этишга эришамиз. Бинобарин мен баъзи нотиқларнинг тош отишларига қўшилмайман, ҳолбуки бундайлар орасида раҳбар ўртоқлар ҳам бўлди. Кечагина улар бир анжуманда муайян мавқени қабул этган, уни ёқлаб овоз берган, тўлдирган, ўзгартирган бўлсалар, бугун улар бундан воз кечмоқдалар. Бу босқичда бир мавқеда турмаслик, бир-бирини турткилаш ҳеч қандай наф бермайди.

Биз ўзимиз танлаб олган йўлда ҳаракат қилаверишимиз керак. Бу — тўғри йўл. Бу — социалистик истиқбол доирасидаги йўл бўлиб, мулкчилик муносабатларини чуқур ислоҳ қилиш орқали одамларни қудратли рағбатлантириш омилларига эриштиради, турмушнинг янги шаклларига, янги корхоналарга, бозор муносабатларига олиб боради.

Жуда катта иш қилиниши лозим. Хўш, буёғи нима бўлади. Ҳамма босқичлардан ўтиб ҳал қилувчи маррага етиб борганимизда яна мавқени ўзгартира бошлаймизми?

Йўқ! Бутун кучни бир ерга тўплаб, масъулиятни зиммага олиш ва олга бориш керак. Эҳтимол, биз бирон нарсанинг уддасидан чиқа олмасмиз, эҳтимол бирон масалада янглишармиз, аммо асосий масалада биз энг ҳал қилувчи довонга яқинлашиб келдик, ундан ошиб ўтсак, бутун жамиятимизни социалистик негизда янгилаш йўлига чиқиб оламиз.

Бўлиб ўтган фикрлашувлар мени шунга ишонтирмоқдаки, биз инқироз вазиятидан қутулишнинг амалий режасини ишлаб чиқиб, амалга оширишга қодирмиз. Шу билан бирга, суст-кашлик қилиш учун вақтимиз йўқлиги ҳам равшан. Ҳамма вақт ўтиб бўлди. Биз ҳаракат қилишимиз ва бир кунни ҳам бой бермай, фаолиятимизнинг тусини ва бутун системасини қатъиян ўзгартириб, ҳозироқ ҳаракат қилишимиз лозим. Демак, янги тузилмаларгина эмас, вазифалар юкини ўз гарданига оладиган ва мамлакат олдида пайдо бўлган вазифаларни — Президент ҳокимияти даражасида ҳам, жумҳуриятларда ҳам, жойларда ҳам, меҳнат жамоаларида ҳам, умуман жамиятда ҳам ҳал этишга чинакамига киришадиган янги одамлар ҳам керак.

ИТТИФОҚ ИТТИФОҚҚА МУҲТОЖ

(Давоми. Боши биринчи бетда).

аҳвол ССЖИ Президенти айни вақтда КПСС Марказий Комитетининг Бош котиби бўлганлиги сабабли кучайиб бормоқда. Мамлакат раҳбари кўраётган тадбирларни умуман ижобий баҳолаган социал-демократ айни вақтда Президент уларни рўёбга чиқаришда КПССнинг эски қолоқ аппаратига суянаётганидан шикоят қилди.

Нотиқ ССЖИ Вазирлар Кенгашининг Раиси истеъфога чиқиши зарурлигини айтиб, янги ҳукумат тузиш омилларини ишлаб чиқиш даврида ижроия ҳокимият вазифасини бажариш учун бутун масъулиятни Президент ўз зиммасига олиши кераклигини таклиф қилди. Шу билан бирга социал-демократлар раҳбариятининг аъзоси Президентни КПСС Марказий Комитети Бош котиби лавозимидан албатта бўшатиш ва ҳатто унинг компартияга аъзолигини тўхтатиш шартини ўртага қўйди.

ССЖИ Олий Кенгаши ошкоралик, фуқаролар ҳуқуқлари, шикоят ва аризалари масалалари комитетининг аъзоси **Г. Ф. Леженко** қайта қуриш учун сарфланган олти йил ичида силжишга эришилмаганини айтди. Мамлакат очлик ва пароканда-лик даражасига тушиб қолди. Нотиқ социалистик тузумни ўзгартиришга интилишни, ҳокимият учун, попок йўллар билан топилган бойликни сақлаб қолиш учун курашни бунинг сабаблари сифатида тилга олди. Шуни таъкидлар экан, у депутатларни сайловчилар олдидаги масъулиятни йўқотаётганликда, ҳис-туйғулар асирига айланиб қолаётганликда айблади.

Депутат 7 ноябрь куни Москвада турли шиорлар остида бўлиб ўтган икки намойишдан олган таассуротлари тўғрисида гапириб, уларни телевидение орқали томоша қилганида, бутун халқ қўллаб-қувватлаган намойишни тасаннолар айтиб, иштирокчилари ҳақоратли сўзлар битилган ёзувларни кўтариб чиққан намойишни эса газаблаб қуза-ганини таъна олди. Кончи ҳар икки намойишда иштирок этган Б. Н. Ельцинга таъна қилди. Ҳақиқат икки хил бўлмайди, чин ҳақиқат ягонадир, деб таъкидлади у, халққа айни шу ҳақиқат керак.

Шундан кейин нотиқ КПССнинг бадном этилишига қарши гапирди. Депутат Н. И. Травкинга мурожаат қилиб, унинг илгари қайси партияга мансуб бўлганини, ўша вақтларда олган унвонларию, мукофотларини эслатиб, халққа қарши курашманг, менинг партия билетимга тупурманг, деди.

Президент мамлакатни тангликдан олиб чиқиш учун таклиф қилган тадбирларни таҳқид қилиш мумкин ва таҳқид қиладиган жиҳатлари ҳам бор. Лекин ҳозир гап бунда эмас, деб таъкидлади Миллатлар Кенгашининг халқ истеъмоли моллари, савдо-сотиқ, аҳолига коммуналмаиший ва бошқа хизматлар кўрсатиш доимий комиссиясининг раиси **Г. Н. Киселев**. Буларни инкор этиб бўлмайди, деб ҳисобламоқда у, чунки бу тадбирлар ССЖИ Олий Кенгаши тасдиқлаган барқарорлаштириш ва бозорга ўтишнинг асосий йўналишларининг табиий давоми, конкретлаштирилган кўринишидир.

Парламент комиссиясининг раиси Президент Дастурида аҳолини саноат моллари билан таъминлаш масалалари етарлича акс эттирилмаганлигига эътиборни қаратди. Дори-дармонлар, маданий-маиший ва хўжалик моллари билан таъминлаш ишининг аҳволи ҳам бундан яхши эмас. Чунончи, жумҳуриятларнинг барчасида вазият тахминан бир хил. Комиссия номидан съезднинг муҳокама этилаётган масалага доир қарорига саноат моллари ишлаб чиқариш соҳасини янгилаш юзасидан аниқ тадбирлар киритиш таклиф қилинди.

Болтиқбўйи жумҳуриятларидаги аҳвол принципиал аҳамиятга эга: бу қайта қуришнинг ўзига хос лабораториясидир, деди Латвия Компартияси Марказий Комитетининг котиби **А. П. Клауцен**. Ҳозир Латвияда ижтимоий тузум ўзгармоқда, буржуа давлати шаклланмоқда. Бу — тарих йилдирагини тескари айлантиришга уринишдир. Ер, корхоналар, бошқа мулклар ўзларининг илгарги эгаларига, шу жумладан чет элда яшаётган эгаларига қайтариб берилмоқда. Мафкура соҳасида ҳозирнинг ўзидаёқ фашистсимон унсурлар пайдо бўлмоқда. Буларнинг барчаси қайта қуриш эмас, балки илгари мағлубиятга учраган сиёсий кучларнинг қасосидир.

Шундан сўнг раислик қилувчи муҳокама этилаётган масала юзасидан мунозаларни тўхтатиш тўғрисида таклиф киритди. Овоз бериш йўли билан яна бир нотиққа сўз беришга, кейин мунозаларни тўхтатишга қарор қилинди.

Шундан кейин минбарга эллигинчи нотиқ — ССЖИ Олий Кенгаши фан ва халқ таълими, маданият ва тарбия комитетининг аъзоси **В. С. Больбасов** чиқди. Унинг фикрича, қонун чиқаришда иқтисодий қонунларга устунлик бериш зарур. Саноат мулкчилиги хусусидаги қонунлар, шубҳасиз ана шундай қонунлар қаторига киритилиши лозим. Биз эса шулардан энг муҳими — патент тўғрисидаги ёки ССЖИда ихтирочилик тўғрисидаги қонунни қабул қилишни деярли икки йилдан буён турли баҳоналар билан орқага сурayпмиз. Нотиқ иқтисодий ислоҳотнинг муваффақияти илмий имкониятларнинг аҳволига боғлиқлигини исботлаш учун бир неча бор тарихга мурожаат қилди, чет эл тажрибасидан мисоллар келтирди.

Нотиқ илму зиё ва саноат мулкини муҳофаза этишнинг мустақил тузилмаси — патент идорасини ташкил этиш зарурлигини таъкидлади. Унинг фикрича, бу идора Японiядаги каби бевосита ҳукуматга ёки АҚШдаги сингари фақат парламентга бўйсуниши лозим.

Кечки мажлисда ССЖИ Президенти **М. С. Горбачев**га сўз берилди.

(Унинг нутқи рўзноманинг 1- ва 2-бетларида босилмоқда).

Шундан сўнг мамлакатдаги аҳвол ҳамда вужудга келган таҳт ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий вазиятни бартараф этиш тадбирлари тўғрисидаги масала юзасидан қарор лойиҳаси устида таҳрир комиссияси олиб бораётган иш ҳақида шу комиссия раиси **Н. А. Назарбоев** ахборот берди. У 52 нафар халқ депутатидан иборат комиссия Съезд минбаридан туриб айтилган фикрларнинг бир-бирига зид эканлиги билан боғлиқ мураккаб вазифага дуч келганини маълум қилди. Шунга қарамай, комиссия қарор лойиҳасини съезд ўтказишга тарзда кўриб чиқиши учун жума куни таклиф этиш мақсадида ҳозирнинг ўзида унга тушган таклифларни ҳисобга олишга ҳаракат қилади.

Депутатлар ССЖИ Олий Кенгаши Миллатлар Кенгашининг Раиси **Р. Н. Нишоновнинг** «Янги Иттифоқ шартномасининг умумий концепцияси ва уни тузиш тартиби ҳақида»ги маърузасини тингладилар.

Депутатлар мажлиснинг сўнгги қисмини, одатдагидек, турли масалалар юзасидан фикр алмашишга бағишладилар. Хусусан, **Л. Я. Супрунов** умумий фойдаланишдаги автомобиль транспорти муаммолари тўғрисида гапирди. Ҳозирги вазиятда ҳовлиқмасликка, ўйлаб кўришга ва барча муаммоларни биргалашиб ҳал қилишга даъват этган **М. И. Умархўжаев**, асрлар давомида бунёд этилган нарсаларни бузишга йўл қўймаймиз, деб таъкидлади. **В. Д. Сидоренко** маданиятни ривожлантириш зарурлигига эътиборни қаратди. **В. А. Шаповаленко** Президентга фавқулодда ваколатлар берилиши ва бир қанча минтақаларда президентлик бошқаруви жорий этилишини ёқлаётган депутатлар билан баҳслашди. Депутатнинг фикрича, бу масалани халқ референдуми ёрдамида ҳал этиш лозим. Депутатлар **В. Н. Очиров, В. М. Семенов, И. И. Заславский, Ю. И. Воронежцев, Н. А. Поликарпов, П. В. Шетько, М. Ю. Дарсигов, В. И. Прокушев** сўзга чиқдилар.

20 декабрь куни съездда янги Иттифоқ шартномасининг умумий концепцияси ва уни тузиш тартиби тўғрисидаги маъруза юзасидан мунозара бошлашга қарор қилинди.

(ТАСС мухбири).

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ХОРАЗМ ВИЛОЯТ КЕНГАШИНИНГ РАИСИ

депутат Р. М. ХУДОЙБЕРГАНОВА нутқи

(Урганч шаҳри, Хива миллий-ҳудудий сайлов округи, Ўзбекистон ССЖ)

Ҳурматли ҳайъат аъзолари, ҳурматли депутатлар! Халқ депутатларининг биринчи съездида яқин йиллар ҳусусида турли тахминлар айтилганди, лекин бирортамиз ҳам ҳозирги кунда жамиятимиз чуқур ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий тангликка тушиб қолишини ҳаёлимизга келтирмагандик. Тангликни келтириб чиқарган сабаблар М. С. Горбачевнинг маърузасида ҳам, депутатларнинг нутқларида ҳам айтилди, мен шу хусусдаги ўз мулоҳазаларимни баён этмоқчи эдим. Маъмурий-буйруқбозлик системасини жамики айбларда гуноҳкор қилиб, биз уни бутунлай бузиб ташладик, янги системани қуришга эса шошма-шошалик билан ишланган ва тез-тез ўзгариб турадиган лойиҳа асосида киришдик. Натижада қанчалик куч-ғайрат сарфламайлик, ишларимиз ҳалигача жойидан силжигани йўқ. Бизнинг ҳамма кулфатларимиз, қонун чиқарувчи ва ижроия ҳокимиятининг таназзули, вазирликлар, минтақалар ва жумҳуриятлар даражасида иқтисодий алоқаларнинг узилиши, жамоат ишлаб чиқаришининг кескин пасайиши — ҳаммаси ана шундандир.

Бу эса ўз навбатида аҳолининг турмуш даражаси пасайишига, кўпгина минтақаларда аҳвол беқарорлашишига, миллатлараро муносабатларнинг кескинлашишига, жиноятчиликнинг кўпайишига олиб келди, одамларда тангликдан чиқишда, мамлакатдаги иқтисодий ва сиёсий вазиятни соғломлаштиришда раҳбариятнинг лаёқатига нисбатан ишончсизлик келтириб чиқарди.

Ҳозир ҳар биримизда қонуний равишда бир савол туғилмоқда: жарликка қулашни тўхтатиш, мамлакатни тартибсизликлардан қутқариб қолиш, одамларга муносиб турмуш шароити яратиб бериш имконияти борми? Ўйлайманки, бундай имконият бор. Шахсан мен Президентнинг маърузасида баён этилган дастурни эшитганимда бунга ишондим. Мен кеча баъзи шерикларимнинг фикрини эшитдим, улар ўртоқ Горбачевнинг маърузасида амалий гоялар йўқ, дейишмоқда. Бироқ, ҳурматли депутатлар, маърузани яна диққат билан бир ўқиб чиқинг! Унда гоялар ҳам, ана шу гояларнинг қандай тузилиши ҳам бор, энг муҳими, собитқадамлик ва қатъият сезилмоқда. Биз ҳаммамиз Президентимизни айни шунга даъват этган эдик.

Менинг назаримда, таклиф этилган тадбирлар Иттифоқ иқтисодий ва бошқа анъанавий алоқалари бузилишининг олдини олишга, тенг ҳуқуқли мустақил жумҳуриятлар Федерациясини тузишга, қонунийлик ва ҳуқуқ тартиботини мустаҳкамлашга имкон беради. Мен бунга ишонаман, шунинг учун ҳам ҳаммамиз Президент дастурини қўллаб-қувватлашимиз лозим, съездни ССЖИ Олий Кенгаши таклиф этган муаммоларни кўриб чиқишдан чалғитишга имкон бермаслик, депутатларнинг диққат-эътиборини бошқа — унча долзарб бўлмаган масалаларга чалғитиш керак эмас, деб ҳисоблайман.

Ҳозир энг муҳими — нафсониятни бир чеккага йиғиштириб қўйиб, куч-ғайратларни бирлаштириш, уларни биринчи галдаги вазифаларни ҳал этишга йўналтириш зарур. Бу энг муҳимдир. Жумҳуриятимизда, мени бу ерга вакил қилиб юборган Хоразмда бугунги кунда худди шундай қилишга интилянмиз. Эҳтимол, қаерлардадир бу сиёсат унчалик кенг тарқалмагандир, лекин у бизга ўз натижаларини бермоқда. Бизда ишлаб чиқаришнинг ўсиши сақланиб қолмоқда, халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқариш жадаллаштирилмоқда, ўйжой қурилиши ҳажмлари кўпаймоқда, айни вақтда кишиларимизни озиқ-овқат маҳсулотлари билан тегишли даражада ҳам таъминлашга ҳаракат қиляпмиз.

Биз шундай қилишимиз керак деб ўйлайман: тангликни бартараф этишга доир тадбирларни маъқуллаш ва жойларда — ўзимизда бу тадбирларнинг ҳар бир банди амалга оширилишини назорат остига олишимиз, дастурни инкор қилаётган кишиларнинг барчасидан қатъий равишда бунинг сабабларини сўрашимиз керак. Бу биринчи масала.

Иккинчи: жамиятни жипслаштиришга, халқларни яраштиришга киришиш лозим. Дарҳақиқат, биз ким бўлмайлик, демократларми ёки конструктивчиларми, коммунистлар ёки халқчиларми, ҳарбийлар ёки ҳарбий бўлмаган кишиларми — ҳаммамиз бир мамлакатнинг фуқаролариямиз. Шахсий нафсониятларни, партиявий ёки яна бошқа қандайдир ниятларни кўзлаб мамлакатимизни қийнашга барҳам берайлик. Келинг, сафсатабозликни тўхтатайлик ва ўз кучимизни ишнинг ташкилий томонларига сарфлайлик. Депутатларнинг кўпчилиги, жумладан съездимизда сўзга чиққан радикал қанот деб аталмиш ҳаракат вакиллари ҳам бунинг зарурлигини тушунмоқдалар. Улар ҳам бирлашишга, жипслашишга чақирмоқдалар. Бундай яқинлашишнинг ўзига хос рамзий маъноси бор.

Энди Президент маърузасининг муайян саволлар туғдирадиган жиҳатларига тўхталмоқчиман. Биринчидан: унда нима сабабдан аввалги съездларнинг қарорлари қандай бажарилганлиги таҳлил қилинмаган? Иккинчидан: биз ўз ишида хатоларга йўл қўйган мансабдор шахсларнинг аниқ-равшан исми-шарифларини нима сабабдан сира эшитмаяпмиз? Учинчидан: нима учун М. С. Горбачев экологик аҳволни барқарорлаштириш учун мамлакат раҳбарияти қандай тадбирлар кўраётгани ҳақида амалда ҳеч нарса демади? Бу Ўзбекистоннинг Хоразм вилояти, Қорақалпоғистон, Туркманистоннинг Тошховуз вилояти,

МАСЪУЛИЯТ ВА МУРОСА

ССЖИ халқ депутатларининг IV Съездида Н. И. РИЖКОВ нутқи

Ўртоқ халқ депутатлари!

Кейинги ҳафталарда мен ушбу минбарга чиқиш имкониятини бериладиган бўлса, нималар ҳақида гапириш керак, деган фикрни қайта-қайта ўйладим. Чунки ҳукуматнинг давлатимизда амал қилиб келган шаклдаги тақдири ҳал этиб бўлинди. ССЖИ Конституциясига киритилган тузатишларга мувофиқ, биз олий ижроия ҳокимиятининг энг туб ислоҳотларидан бирини бошдан кечиришимиз керак бўлади.

Бироқ, сизларнинг ҳузурингизда сўзлаш тўғрисидаги қароримни ушбу вазият тақозо этгани йўқ. Мен сиёсий ва давлат раҳбариятининг бошқа аъзолари билан бир қаторда мамлакатда содир бўлаётган барча ишлар учун ғоят масъулиятли эканлигим сабабли ҳам гапирмасликка ҳаққим йўқ. Шунинг учун бизнинг мулоҳазаларимиз, баҳоларимиз, вужудга келган вазиятдан чиқиш йўлини қандай кўраётганлигимиз маълум даражада фойдали бўлади, деган умид билан анча ошкора гапираман.

Шуни таъкидлайманки, гапни қайта қуришни режалаштирилган тарзда амалга оширишга муваффақ бўлинмаганидан бошлайман. Қайта қуриш ташаббускорларидан бири эканман, сўзсиз, унинг учун ўзимни жавобгарман, деб ҳисоблайман.

Агар ҳукумат танглиги, раҳбарият алмаштирилиши вазиятни тузатиши мумкин бўлганида, ҳукумат шу йилнинг май ойидаёқ истеъфо берган бўлур эди. Бироқ ҳамма нарса анча жиддийроқ. Ҳукуматга қарши «эзлон қилинмаган урушни» авж олдириб юборган сиёсий кучлар анча олисга мўлжалланган мақсадларни кўзламоқдалар. Ана шу мақсадлар биз бошлаган ўзгартишлар моҳиятини ўзгартириш ғоясидан келиб чиқмоқда.

Бу уруш шу йилнинг майида ҳукуматни ағдаришга уриниш билангина чекланиб қолмади, у ҳозир ҳам Президентга, Олий Кенгашга ва ССЖИ халқ депутатлари Съездига қарши курашшидангина иборат бўлиб қолмаяпти. Унинг асосий мақсади давлатга, ижтимоий-сиёсий тузумга зарба беришдан, уни узил-кесил барбод этишдан иборат.

Бу ўйинда умуман энди Совет Иттифоқининггина эмас, шу билан бирга катта ва кичик кўпгина жумҳориятларнинг, давлатчилик ва ижтимоий тузумнинг тақдири ҳал бўлмоқда. Давлатчилик ва ижтимоий тузумнинг тақдири ҳам ғоят жиддий хавф остида қолди.

Бундай вазиятда мен ўзгартиш жараёни барбод бўлаётганини таъкидлаш билан чекланиб қола олмайман. Бу борада ана шундай барбод бўлишнинг хусусий жиҳатларини, тафсилотларини эмас, балки унинг сабаблари бутун туркумини аёвсизлик билан таҳлил этиш зарур.

I

1985 йилда биз қайта қуриш вазифасини ўртага қўйган эдик. Социализмни янгилаш, йўл қўйилган бузилишларни бартараф этишни унинг мазмуни ва мақсади, деб атаган эдик. Бироқ, бузғунчи кучларнинг таъсирида қайта қуриш ана шу мавқеида қаттиқ тура олмади. Бузғунчи кучларнинг кўпчилиги ижтимоий тузумнинг характерини ўзгартириш мақсадини кўзлаётганлиги ҳозирги вақтда мутлақо равшандир. Бу иш социализм мафкурасидан воз кечиш тарзида амалга оширилди. Бироқ, аслида бу бир мафкурани бошқаси билан алмаштириш бўлди.

Шу муносабат билан мафкура, сиёсат ва иқтисодиётнинг нисбати тўғрисида гапирмоқчиман. Бунинг сабаблари ва оқибатларини қаердан излаш керак? Сизларга маълумки, жамиятимизда мафкура амалда бошқа ҳамма нарсадан ҳамиша устунлик қилиб келган. Бу эса қарорлар қабул қилиш воситаларига тўғридан-тўғри таъсир кўрсатган. Мен ўзим ССЖИ Вазирлар Кенгашининг Раиси сифатида, шунингдек, Сиёсий бюронинг собиқ аъзоси сифатида йўл қўйган хатоларимни қатъиян аниқлаб олмоқчиман. Мен ҳатто бошқасига эга бўлмай туриб, бундай воситаларга тезда барҳам бериш мумкинлигига ишонмайман. Мен вазиятни таҳлил этишда имкони борича холис бўлмоқчиман.

Биз ислоҳотни чуқурлаштириш давомида мафкура ва сиёсат олдида иқтисодиёт устунлигига эриша олмадик ва эришишимиз мумкин бўлармиди, буни билмайман. Биз яшаб турган жамият ана шундай. Уни истаганча танқид қилиш ва унинг устидан кулиш мумкин. Бироқ, ана шу жамиятда унинг қонунларига амал қилмасдан яшаш, унинг табиати ва моҳиятини тушунмасдан уни ўзгартириш мумкин бўлмади. Мафкуранинг иқтисодиётдан устунлиги — бу майда-чуйда нарса эмас, ҳусусийлик ҳам, ўзбошимчалик ҳам эмас, у ёки бу раҳбарнинг калтафаҳмлиги ҳам эмас, бу биз яшаган тузумнинг моҳияти, унинг негизларидир.

Тузумимизнинг ўзига хос хусусияти шундаки, иқтисодиётнинг бугунги кундаги танглиги ишлаб чиқариш соҳасидаги ички зиддиятлар кескинлашганлиги туфайли эмас, балки сиёсат, мафкура ва бошқарувдаги шак-шубҳасиз танглик туфайли юзага келди. Биз касалликни эмас, балки унинг ташқи кўринишларини даволашга ўрининяпмиз.

Ҳозирнинг ўзидаёқ шу нарса аён бўлмоқдаки, мафкура, бироқ энди бошқача мафкура яна иқтисодий ўзгартишлардан устунлик қилмоқда. Бозор байроғи остида сиёсий уруш авж олиб кетди. У жиддий иқтисодий мазмунга эга эмас, шу жиҳатдан қараганда, биздаги иқтисодиётдан сўл радикаллар — ўша мафкурачилар ва таргиботчилардир. Фақат улар ўз қиёфаларини ўзгартиришган. Натижада танқиднинг чегараси бўлмаяпти, ислоҳот ҳокимият барбод этилмоқда, баёнотбозлик ва билимсизлик пайдо бўлмоқда.

1985—1986 йилларда бутун халқ қўллаб-қувватлаган қайта қуриш турли, кўпинча қарама-қарши манфаатлар ва мақсадларга эга бўлган кучларнинг қаршилик кўрсатиши натижасида сиёсий-мафкуравий жиҳатдан барбод бўлди. Биз юзаки қараганда, турли сабабларга кўра, ижтимоий ва сиёсий тартибни ўзгартиришга халақит бераётган консерваторларнинг ва жамиятимизнинг барча тузилмалари тезроқ барбод этилишини астойдил истаётган радикалларнинг ҳаракатларинигина кўриб турибмиз. Улар ҳам, бошқалари ҳам гарчи қайта қуришнинг қисқа босқичида ўзларини унинг иттифоқчилари қилиб кўрсатган бўлсаларда, ўз хатти-ҳаракатлари билан ўзгартишлар жараёнини издан чиқардилар.

Назаримда, аҳолининг «миқ этмай турган кўпчилиги» тутган йўл бундан ҳам муҳимроқдир. Беш йил мобайнида ана шу мавқе ғайрат-шижоатдан ишончсизлик ва шубҳа билан қараш сари тубдан ўзгарди. Буни кўп жиҳатдан мақсадларнинг ноаниқлиги ва мазкур мақсадлар амалга оширилиши туфайли эмас, балки сиёсат, мафкура ва бошқарувдаги шак-шубҳасиз танглик туфайли юзага келди. Биз касалликни эмас, балки унинг ташқи кўринишларини даволашга ўрининяпмиз.

Ҳозирнинг ўзидаёқ шу нарса аён бўлмоқдаки, мафкура, бироқ энди бошқача мафкура яна иқтисодий ўзгартишлардан устунлик қилмоқда. Бозор байроғи остида сиёсий уруш авж олиб кетди. У жиддий иқтисодий мазмунга эга эмас, шу жиҳатдан қараганда, биздаги иқтисодиётдан сўл радикаллар — ўша мафкурачилар ва таргиботчилардир. Фақат улар ўз қиёфаларини ўзгартиришган. Натижада танқиднинг чегараси бўлмаяпти, ижроия

ЯНГИ ИТТИФОҚ ШАРТНОМАСИНИНГ УМУМИЙ КОНЦЕПЦИЯСИ ВА УНИ ТУЗИШ ТАРТИБИ ҲАҚИДА

(Давомы. Боши учинчи бетда).

бундан ҳеч ким воз кеча олмайди. Биз шунча ғам-ғуссага биргаликда бардош берган эканмиз, эркинлик, ўзгартириш, янги турмушни қарор топтириш йўлидан ҳам биргалашиб боришимиз керак.

Иккинчиси: халқларнинг асрий алоқалари натижасида бизда одамларнинг мураккаб ҳудудий жойлашуви юз берди ва теран миллатлараро аралашув содир бўлди. Шуни айтиш кифояки, аниқланган маълумотларга қараганда, 60 миллиондан кўпроқ одам, яъни мамлакат аҳолисининг деярли тўртдан бир қисми ўз миллий-давлат тузилмаларидан ташқарида яшамоқда ёки бундай тузилмаларга эга эмас.

Мамлакатда ўн миллионлаб одамлар бошқа миллатга мансуб кишилар билан никоҳдан ўтган ва ҳозир ҳам шундай, бу ҳол бир неча авлоддан буён давом этиб келмоқда ва у ёки бу оилавий даврага (уруғга) ғоят турли халқларнинг вакилларини жалб этмоқда. Яъни уйимиз зинаси майдончасида ёки меҳнат жамоасидагина эмас, балки ҳаммадан кўпроқ қонимизда байналмилалчилик бор. Одамларнинг бир-бирига қўшилмай кетганлиги ва бир-бирига боғлиқлиги жиҳатлари иттифоқ муносабатлари муаммоларини муҳокама этиш ва ҳал қилиш чоғида эътибордан ҳеч қачон четда қолмаслиги лозим, деб ўйлайман. Ахир иттифоқни барбод этиш масаласи қўйилса, у ҳолда шу жонли алоқаларни, одамларнинг қон-қардошлик алоқаларини ва маънавий алоқаларини ким ва қай тарзда узиб ташлайди? Сўнгра бундан нимани барпо этиш мумкин?

Учинчиси: мамлакат халқларининг биргаликдаги ҳаёт фаолияти, йилларида ижтимоий ишлаб чиқаришнинг муайян қўмакчи соҳалари вужудга келган бўлиб, унда ишлаб чиқарувчи кучлар жойлашган, улар ихтисослашган ва кооперациялашган, уларнинг алоқа воситалари, ахборот ва илмий-техникавий хизмати мавжуд. Бу — барча халқларнинг улкан бойлиги бўлиб, ундан оқилона фойдаланилса, у жуда кўп ижтимоий-иқтисодий ва маданий муаммоларни муваффақиятли ҳал этишга имкон беради.

Ижтимоий ишлаб чиқаришни авторитар-бюрократик бюруқбозлик ҳамда хўжасизларча амалдорлик билан идора қилиш таъсиридан чиқариб, чинакам халқ мулкига айлантириш, Ватанимизнинг ишбилармон ва масъулиятли фуқаролари — мулк эгалари бошқариши учун топшириш лозим, албатта. Лекин халқ хўжалиги комплексини вайрон қилиш, уни минтақаларда ўралашиб қолган, маҳаллий ҳокимиятга молик кичик системаларга айлантириш иқтисодий жиҳатдан ўзини оқламаслиги ва ижтимоий жиҳатдан самарали бўлмаслиги равшан. Сўнгги даврдаги тажриба шундан далолат бермаяптими, ахир? Иқтисодий ажрамачиликда эндигина дастлабки қадамлар қўйилган эди, бутун мамлакатда хўжалик соҳасида тартибсизлик вужудга келди ва бунинг оқибатидан истеъмол бозори бутунлай барбод бўлди.

Ҳозирги пайтда тўртинчи асос тўғрисида ҳам гапириш мумкин, ўз табиати жиҳатидан у субъектив туйса бўлса ҳам, таъсири жиҳатидан объектив тус олди. Биз қайта қуришга қандай муносабатда бўлмайлик, шу қайта қуриш туфайли жамиятимизни ўнлаб йиллар давомида маълум ҳолатда ушлаб турган тузилмалар мажбуран ташлади. Бир вақтлар халқларга буйруқ берган, уларни жиловлаб қўйган марказ энди йўқ. Бунинг устига мамлакатдаги ижтимоий-сиёсий вазият кескин ўзгарди, сиёсий кучлар мавқеи ҳам ўзгача бўлиб қолди. Кўпгина ташкилотлар ва ҳаракатлар вужудга келдики, улар социализм бузилишларини танқид қилибгина қолмай, жозибали бунёдкорлик дастурларини таклиф этмоқдалар, лекин шундай кучлар ҳам пайдо бўлдики, улар ҳар қандай тусдаги социализмни, ҳатто инсонпарвар ва демократик социализмни мақбул кўрмаётирлар. Улар капитализмни қайтадан тиклаш, бунинг устига ривожланган социал-демократик мамлакатлардаги каби замонавий ижтимоий шаклида эмас, балки дастлабки сармоя тўплашнинг қўпол шаклида тиклаш масаласини қўйдилар.

Шундай қилиб, бизда кўпгина объектив асослар мавжудки, улар одамларнинг иродасига қўшилиб, Иттифоқни сақлаб қолиш ва тубдан янгилаш учун етарли шарт-шароитлар бор, деб айтишга имкон беради.

Ҳурматли халқ депутатлари! Сизлар қўриб чиқиш учун тақдим этилган, ССЖИ Президенти узоқ давом этган маслаҳатлашувдан кейин умумхалқ муҳокамасига қўйган лойиҳада ифодаланган янги Иттифоқ шартномасининг умумий концепцияси, бир томондан, мазкур объектив асосларни англаб етиш ва улардан фойдаланишга уриниш бўлса, иккинчи томондан, миллатлараро муносабатларни изга солишга, барча халқларнинг эркин, демократик ривожланиши учун имконият яратишга қодир бўлган шарт-шароитларни яратишга уринишдир.

Аввало шуни таъкидлаш керакки, сизлар қўриб чиқишингиз учун тақдим этилган мулоҳазалар ва қоидалар баъзилар айтаётганидек кабинетларда ўтириб қилинган изланишнинг самараси эмас. Иттифоқ муносабатларини янгилаш муаммоларини идрок этиш ва ишлаб чиқишга доир ижодий жараёнга мамлакат барча жамоҳуриятлари ва регионларидаги сиёсатчилар, олимлар ва публицистларнинг кенг доираси аллақачон жалб этилган. Очиғини айтиш мумкин, Иттифоқни янгилашдан манфаатдор бўлган ҳар бир киши ўз фикрини айтиш ва бу муҳим ишга ўз ҳиссасини қўшиш имкониятига эга.

Янги Иттифоқ шартномаси концепциясини ишлаб чиқиш чоғида Белоруссия, Қозоғистон, Ўзбекистон, Озарбайжон, Қирғизистон, Туркманистон ва Тожикистон мустақил тайёрлаган Иттифоқ шартномасининг 7 та лойиҳасидан, ССЖИ Фанлар академияси давлат ва ҳуқуқ илмоҳида тайёрланган иккита лойиҳадан, минтақалараро депутатлар гуруҳи ҳакамларининг мукофоти билан тақдирланган учта лойиҳадан ҳамда сиёсий партиялар гуруҳларининг вакиллари тайёрлаган битта лойиҳадан фойдаланилди. Иттифоқ шартномасига доир маслаҳатлашувлар доирасида барча жамоҳуриятлар ва мухтор тузилмалар вакиллари билан, шунингдек 25 та янги сиёсий партия ва ҳаракат вакиллари билан мазмунли учрашувлар бўлиб ўтди. Конституцияга хилоф равишда зўрлик билан давлатидан маҳрум этилган халқларнинг вакиллари ҳам Иттифоқ шартномаси лойиҳасини ёқладилар.

Иттифоқни ўзгартиришнинг мазмуни ва шаклини асослаб беришда, табиийки, иттифоқдош ва мухтор жамоҳуриятларнинг кўпчилиги қабул қилган давлат мустақиллиги тўғрисидаги декларациялар катта аҳамиятга эга бўлди. Ана шундай декларациялардаги қоидалар аслини олганда янги Иттифоқ шартномаси лойиҳасига киритилган янгиликлар учун асос бўлди ва уйнинг барча бўлимларида акс этди. Жамоҳуриятларда ишлаб чиқилган 60 тадан кўпроқ ҳужжатдан фойдаланилди.

Маълумки, иттифоқни янгилаш ва янги Иттифоқ шартномаси концепциясини тайёрлаш муаммолари ССЖИ Федерация Кенгаши мажлисларида уч марта ва ССЖИ Олий Кенгашида икки марта муҳокама қилинди: 25 сентябрь куни янги Иттифоқ шартномасини тайёрлашга доир маслаҳатлашувлар қандай бораётганлиги тўғрисидаги маъруза, 3 декабрда эса шартноманинг умумий концепцияси ва уни тузиш тартиби ҳақидаги маъруза тингланди. ССЖИ Президенти умумий концепция ва лойиҳани барча иттифоқдош ва мухтор жамоҳуриятларга, мухтор вилоятлар ва округларга юборди. Шу йил 24 ноябрда янги Иттифоқ шартномасининг лойиҳаси умумхалқ муҳокамасига қўйилди.

Иттифоқни янгилаш муаммоларини идрок этишга оммавий ахборот воситалари катта ҳисса қўшганлигини тан олмаслик мумкин эмас. Бу воситалар орқали жуда кўп ғоят амалий мулоҳазалар олинди, бинобарин ҳеч муболағасиз шуни қайд этиш мумкинки, ҳозир вужудга келган янги Иттифоқ шартномасининг концепцияси мамлакатдаги барча халқлар вакиллари узоқ вақт давомида сарфлаган катта куч-ғайратларнинг якунидир. Шу билан бир вақтда у, равшанки, дастлабки ҳужжат бўлиб, жамоҳуриятларнинг ваколатли делегациялари бу ҳужжатни тағин ҳам пухтароқ келишиб олишлари ва чуқурлаштиришлари лозим бўлади.

Сизларнинг эътиборингизни янги Иттифоқ шартномаси лойиҳасининг 1922 йилги ССЖИни тузиш тўғрисидаги шартномадан ҳамда федерациялар ва ҳамжамиятлар доирасидаги ўзаро муносабатларни тартибга соладиган бошқа ҳужжатлардан фарқ қилувчи қуйидаги асосий жиҳатларга қаратмоқчиман.

Янги Иттифоқ шартномасининг асосини учта қоида бир-бирига боғлиқ ҳолда тавсифлайди.

Биринчидан, миллати ва яшаш жойидан қатъи назар барча одамларнинг тенг ҳуқуқлилиги бунинг устига БМТ умумий Декларациясига, халқаро пактлар ва Умумевропа ҳужжатларига, шу жумладан Париж хартиясига мувофиқ равишдаги тенг ҳуқуқлилиги.

Шундай қилиб, янги иттифоқ, ва ундаги барча ўзаро алоқалар инсонпарварлик туйғуси олади, инсоннинг ўзи эркин яшашини амалга ошириш воситаси ва кафолати бўлиб хизмат қилади. Менимча бу баъзи жойларда одамларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини назар-писанд қилмай қўйишган, бу эркинликлар ва ҳуқуқларни ўзларича талқин қилиб ўзгартиришаётган ҳозирги вазиятда айниқса долзарб аҳамиятга эга.

Иккинчидан, сони ва тараққиёти даражасидан қатъи назар барча халқларнинг тенг ҳуқуқлилиги. Ахир биз ҳар бир халқ ўз тақдирини ўзи белгилай оладиган, ўз ишларини мустақил юритиб, ўз ҳаётини ўзи бошқара оладиган ҳолатга эришишга мажбурмиз. Бунда ғап халқ ташкилий бирлашишнинг қандай аниқ шаклини танлаб олишида эмас, балки барча шакллар ўз реал, ҳаётий ўлчамларига кўра тенг ҳуқуқли бўлишида ва ҳар бир халқнинг ривожланишини таъминлашидадир.

Учинчидан, халқларнинг (элатларнинг) ҳуқуқлари ва эркинликлари билан айрим шахс ҳуқуқлари ва эркинликлари ўртасидаги ўзаро боғлиқлик. Чунки халқ ичида ёки унинг номидан ҳатто бир кишита зулм ўтказилаётган бўлса, бундай халқ эркин бўла олмайди, агар инсон ўз иродарлари қаерлардадир эркинликни ҳис қилмаётганини билса у ўзини эркин ҳис эта олмайди. Қандайдир миллий ғоянинг тантана қилиши учун одамларнинг манфаатлари камситилишига, айниқса уларнинг бегуноҳ қурбон қилинишига йўл қўйиб бўлмайди. Бу соҳада ҳам муайян тенг ҳуқуқлиликка эришмоқ лозим.

Иттифоқ шартномаси лойиҳасининг биринчи қисми ушбу қоидаларни амалда акс эттиради, унда янги Иттифоқнинг еттита асосий қоидаси қайд этилган. Бу ерда шартнома қатнашчиси бўлган ҳар бир жумҳурият мустақил давлат бўлиб ўз ҳудудида тўла давлат ҳокимиятига эга эканлиги аниқ-равшан тасдиқланади. Шу сабабли суверен жумҳуриятларнинг Иттифоққа бирлашиши уларнинг мустақиллиги чекланиши ёки камситилиши деб эмас, (баъзи ўртоқлар худди шундай мулоҳаза қилишмоқда), балки ана шу мустақилликни амалга оширишнинг шакли, деб қаралмоқда. Бу — тегишли халқларнинг иродаси эркин намоён бўладиган шаклдир.

Айни пайтда янги Иттифоқ шартномасининг концепцияси ислоҳ қилинган Иттифоқ ҳар бир жумҳурият бошқаларнинг манфаатлари билан ҳисоблашмай ўзи ҳоҳлаган ишини қиладиган қандайдир мавҳум, қиёфасиз ва ожиз тузилма бўлмаслигини кўзда тутади. Кўзда тутилган мақсад шундан иборатки, янги Иттифоқ жумҳуриятларнинг суверенитетини бирлаштириб унга янги, Иттифоқ сифатини бахш этадиган суверен федератив давлат бўлади.

Бу хусусда ҳозир икки жиҳатдан турли талқинлар вужудга келмоқда. Баъзилар икки мустақилликни бирлаштириб бўлмайди, агар жумҳуриятлар мустақил бўлса, у ҳолда Иттифоқ мустақил бўлолмайди ва аксинча, агар иттифоқ мустақил бўлса, у ҳолда жумҳуриятлар ўз мустақиллигини йўқотади, дейишмоқда. Бу баҳслар одатда «суверенитет» тушунчасини турлича талқин қилиш, унга қандайдир сеҳрли мазмун бағишлаш натижасида олиб борилмоқда.

Ҳолбуки, суверенитет халқ иродасининг ҳолатини акс эттиради. Бу ирода бир жиҳатдан давлат ташкилотлари воситасида давлат суверенитетида, иккинчи жиҳатдан — этник ташкилот орқали миллий суверенитетда ифодаланади.

Шу сабабли жумҳуриятлар суверенитетини уларнинг давлатга бирлашган жумҳурият халқлари ўз турмушини мустақил ташкил этиши ва юритишидан далолат берувчи, бу халқларнинг иродаси тегишли қарорларни қабул қилиш чоғида устивор бўлишидан далолат берувчи давлат белгиси деб қарамоқ керак, бошқача бўлиши мумкин эмас.

Съездда жумҳуриятлар давлат суверенитети тўғрисидаги декларацияларни тан олиш масаласи қўйилди. Аммо суверенитетни қандайдир йўл билан тасдиқлаш ёки исботлаш мумкинми? Чунки давлат суверенитетининг манбаи — халқнинг иродасидир. Бу ироданинг ўзи мутлақдир. Бундай иродани ифодаланишига шубҳа бўлса, бу бошқа гап. У ҳолда референдум ўтказишга тўғри келади. Шундай қилиб халқларнинг турли даражадаги давлат иродаси билан уларнинг ўзаро алоқалари ўртасидаги келишилган нисбат ҳеч кимни камситмайди ва фақат давлатни ташкил этиш масаларини ҳал этишга оқилона ёндашилганидан далолат беради.

Бошқалар эса суверен давлатлар федератив давлатга бирлашиши мумкин эмас дейишмоқда. Шу тариқа федерацияга қўшиламизми, конфедерация тузамизми ёки жумҳуриятлар гуруҳини ташкил этамизми деган баҳс бормоқда. Аммо ҳамма ғап шундаки, Иттифоққа қўшилар экан, суверен давлатлар ўз Иттифоқ муносабатлари шаклини ўзи танлайди.

Халқларимиз, кам деганда уларнинг кўпчилиги халқлар ўртасидаги янгиланган Иттифоқ муносабатларининг шакли мамлакат ҳудудидаги барча одамларнинг тарихан таркиб топган зичлигини ва улар ўртасидаги ўзаро алоқалар мазмунини энг мақбул тарзда акс эттирадиган федератив давлат бўлиши мумкин, деб ҳисобламоқдалар.

Иттифоқ шартномаси лойиҳаси матнига қараладиган бўлса, унинг ҳозирги мазмуни шундан иборатки, мамлакатимиз барча халқлари ва уларни бирлаштирган жумҳуриятлар гражданларнинг иқтисодий жиҳатдан ривожланган эркин граждан жамиятини барпо этишни, демократияни мустаҳкамлаш ва янада ривожлантиришни, миллий анъаналарни сақлаб қолиш ва ривожлантиришни, тинчликни мустаҳкамлашни, жаҳоншумул муаммоларни ҳал қилишда халқларнинг ҳамкорлиги ва бирдамлигини таъминлашни ўз олдига вазифа қилиб қўймоқда. Бундай муштараклик айни суверен федератив давлат шаклида бирлашиш шаклини танлаш ҳақида қайта-қайта ўйлаб кўриш кераклигини рад этмайман.

Шу муносабат билан Иттифоқ шартномаси лойиҳасида кўзда тутилган иттифоқ янги моделини тушуниш учун «Иттифоқнинг тузилиши» қисмида баён қилинган ғоялар ва қоидалар катта аҳамиятга моликдир.

Ҳозир Иттифоқ ваколатлари шаънига гўё жумҳуриятларнинг суверенитетини камситмоқда, ўз ишларини олиб боришда уларга ҳалақит бермоқда деган кўп эътирозлар ва танқидларни эшитиш мумкин. Агар ўтмишга назар ташлайдиган бўлсак, бундай эътирозлар тўғри.

Ҳа, ўтмишда қоидаларимизнинг жиддий равишда бузилишига йўл қўйилди: Бу узоқ вақт давомида ҳуқуқий давлат барпо этилмаганлигидир; бу муаммолар ўнлаб йиллар давомида ҳал қилинмаганлигидир; миллий сиёсатнинг асосий қоидалари бузилганлиги, бу сиёсат бир қолипга солиб қўйилганлигидир; бутун-бутун халқларни ўз тарихий ватанидан кўчиришга доир жиноий тадбирлардир; марказнинг зўравонлиги ва тўла ҳукмдорлигидир; бюруқбозликка асосланган иқтисодиёт ва бошқалардир. Ниҳоят бу бутунлай бузилиб, оддий унитар давлатга айланган федерациядир.

Буларнинг ҳаммаси биргаликда одамларнинг ишончида акс этмай қолмади, очиғини айтамиз, одамларнинг ишончига путур етказди. Вазиятга сезгирлик билан назар ташлайлик. Марказ энди стратегияси тўғри бўлган ва оммавий чоралари диққат билан текшириб чиқилган тақдирда ҳам ишонч қозонишни жуда қийин. Шунинг эмас, сонсаноқсиз оғишлар ва бузилишлар жойларда бунга жавобан ўткир фикрларни келтириб чиқарди, бунинг устига айрим жойларда бундай жавоб ҳаракатлари кучли номаъқул омилга эга бўлди. Бундай номақуллиқни тугатиш эса ҳамиша фақат тўғри ҳаракат қилишни эмас, шу билан бирга узоқ вақтни ҳам талаб қилар эди.

Эндиликда тақдим этилган лойиҳада марказнинг эҳтимол тутилган ўзбошимчаликлари йўлига жиддий ғов қўйилган. «ССЖ Иттифоқи билан федерация субъектлари ўртасидаги ваколатларни фарқлаб қўйиш тўғрисида»ги ССЖИ Қонунига нисбатан ҳам Иттифоқ ваколатлари анча торайтирилган. Лойиҳада барча жумҳуриятлар, мамлакатнинг барча халқлари муштарак манфаатларга тааллуқли масалалар ҳақида ғап бораётганига ишонч ҳосил қилиш учун Иттифоқ шартномаси лойиҳасининг 5-моддасини диққат билан ўқиб чиқиш кифоя.

Иттифоқнинг суверенитетини ва ҳудудий яхлитлигини ҳимоя қилиш, ССЖИ давлат чегараларини белгилаш ва қўриқлаш, ССЖИ давлат хавфсизлигини таъминлаш, ССЖИ мудофаасини ташкил этиш ва қуролли кучларга раҳбарлик қилиш, уруш эълон қилиш ва сулҳ тузиш ҳамма жон куйдирадиган, ҳар бир халқнинг манфаатлари ва тақдирига дахлдор масалалар эмасми, ахир? Ташқи сиёсат, иқтисодий тараққиётнинг стратегиясини белгилаб бериш, умумий, базавий ишлаб чиқариш системаларини бошқариш ҳам шундай эмасми? Ахир бу соҳалар ҳар қандай халқ ҳаёт фаолияти учун муштарак негизни ташкил этмайдими? Чунки ҳамма учун баравар даражада зарур бўлган ҳар томонлама хусусиятга эга бўлган ҳодисалар борлигини ва шу сабабли улар бирлаштирилганлигини жаҳон тушуниб турибди. Бу гаплар ижтимоий сиёсатнинг негизларини белгилаш, маданият ва маориф, фундаментал тадқиқотлар, фан-техника тараққиёти, жамоат тартибини муҳофаза қилиш ва жиноятчиликка қарши кураш масалаларига ҳам таалуқлидир. Бундай масалалар одамларни қаяжонга солмайди, улар учун ташвишланиш ва куйиниш ҳаммамизни бир Иттифоққа бирлаштирмайди... деб ким айта олади?

Яна шу ҳам диққатга сазоворки, ҳар бир жумҳурият ССЖ Иттифоқи билан битим тузиш орқали ўз ваколатларини амалга оширишни Иттифоққа топшириши, Иттифоқ эса барча жумҳуриятларнинг розилиги билан шу жумҳуриятларнинг территорияларида ўзининг айрим ваколатларини амалга оширишни бир ёки бир неча жумҳуриятга топшириши мумкин. Шундай қилиб, лойиҳада ваколатларни амалда рўёбга чиқариш учун зарур бўлган биргаликда олиб бориладиган масалаларни аниқлашнинг пухта, демократик формуласи мавжуд.

Иттифоқ шартномаси лойиҳасида биринчи марта Иттифоқни тузиш масалалари ҳал этилмоқда. Иттифоқ аъзолик тўғрисидаги масала кўзда тутилянти. Аъзолик мутлақо ихтиёрий бўлиб, халқларнинг ўз ҳоҳиш-иродасини эркин ифода этишидир; фуқаролик масаласи кўзда тутилмоқда, бу эса Иттифоқ доирасида барча одамларнинг ҳуқуқлари ва бурчларини тенглаштиради; ҳудуд тўғрисидаги масала кўзда тутилмоқда. Иттифоқ барча халқлар учун уларнинг ҳудудларига кафолат беради; жумҳуриятлар ўртасидаги муносабатлар кўзда тутилмоқда, бу муносабатларда жумҳуриятлардан ҳар бирининг мустақиллиги таъминланади; мулкчилик, солиқлар ва йиғимлар кўзда тутилмоқда, бунда тегишли субъектлар, уларнинг ҳуқуқлари ва бурчлари аниқ фарқлаб қўйилади.

Давлат-ҳуқуқий тусдаги масалаларни алоҳида ажратишни истар эдим. Жумҳуриятлар иттифоқ идораларини биргаликда тузиш, манфаатлар ва ҳаракатларни келишиб олишнинг бошқа воситалари ва тартибини барпо этиш орқали ССЖ Иттифоқи ваколатларини амалга оширишда иштирок этадилар, буни тан оламан. Жумҳуриятларнинг ҳудудида Иттифоқ ихтиёрига берилган масалалардан ташқари барча масалаларда жумҳуриятларнинг қонунлари устунлиги белгилаб қўйилган, жумҳуриятларнинг суверен ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асослари кўзда тутилган (9-модда).

Шу тариқа биз илгари аслида жумҳуриятларга қарама-қарши турган марказдан ҳоли бўламиз ва тенг ҳуқуқли ҳамда тўла ҳуқуқли жумҳуриятларнинг чинакам Иттифоқини тузамиз, бу Иттифоқда ҳар бир жумҳурият мустақил яшай олади ва умумий ишларни бошқа жумҳуриятлар билан биргаликда мустақил юрита олади. Иттифоқ муносабатларини ўзгартиришдаги бундай катта қадамни совет кишилари қўллаб-қувватлайдилар, деб ўйлайман.

«Иттифоқнинг тузилиши»ёки «Ҳокимият ва бошқарув идоралари» бўлими билан узвий боғлиқ бўлиб, унда Иттифоқни тузилиш жиҳатидан демократиялашдирилган катта қадам қўйилган. Ҳокимият ва бошқарувнинг барча хилма-хил иттифоқ идораларида жумҳуриятлар вакилларининг қонидаси асос қилиб олинган.

Бу аввало ССЖИ Олий Кенгашига тааллуқли бўлиб, унда Миллатлар Кенгашини жумҳуриятлар ваколатли Олий ҳокимият органлари ҳамда миллий-ҳудудий тузилмалар ҳокимият органларининг делегацияларидан улар билан келишилган нормага мувофиқ тузиш кўзда тутилади. Миллатлар Кенгашида ССЖИда яшовчи барча халқларнинг вакиллари бўлишига ҳам кафолат берилади.

Айтмоқчи, ССЖИ Олий Кенгаши мақоми, унинг структураси ва тузилиш тартиби тўғрисидаги масала ССЖИ Олий Кенгаши комитетлари ва комиссияларининг, ССЖИ халқ депутатлари жуда кўп гуруҳларининг, бир қанча жумҳуриятлар Олий Кенгашларининг алоҳида эътиборини жалб қилди. Миллатлар Кенгашини белгилаб қўйилган норма мувофиқ, лекин сайлов округларидан умумий, тенг, тўғридан-тўғри сайлаш йўли билан тузиш лозим, акс ҳолда, тегишли халқларнинг манфаатларига путур етади, деган фикр айтилди.

Иттифоқ Олий Кенгашини унда Иттифоқ шартномаси қатнашчилари баравар вакилларидан иборат бир палатали қилиш тўғрисида таклиф ҳам бор. Келинглар, шу масала хусусида биргаликда ўйлаб, энг мақбул ечимни излайлик.

Иттифоқ Президенти Иттифоқ давлатининг олий идора этувчи ва ижро қилувчи ҳокимиятга эга бўлган бошлиғи сифатида белгилаб қўйилади. Федерация кенгаши Иттифоқ ички ва ташқи сиёсатининг асосий йўналишларини белгилаб беради, фундаментал тадқиқотлар, фан-техника тараққиёти, жамоат тартибини муҳофаза қилиш ва жиноятчиликка қарши кураш масалаларига ҳам таалуқлидир. Бундай масалалар одамларни қаяжонга солмайди, улар учун ташвишланиш ва куйиниш ҳаммамизни бир Иттифоққа бирлаштирмайди... деб ким айта олади?

Яна шу ҳам диққатга сазоворки, ҳар бир жумҳурият ССЖ Иттифоқи билан битим тузиш орқали ўз ваколатларини амалга оширишни Иттифоққа топшириши, Иттифоқ эса барча жумҳуриятларнинг розилиги билан шу жумҳуриятларнинг территорияларида ўзининг айрим ваколатларини амалга оширишни бир ёки бир неча жумҳуриятга топшириши мумкин. Шундай қилиб, лойиҳада ваколатларни амалда рўёбга чиқариш учун зарур бўлган биргаликда олиб бориладиган масалаларни аниқлашнинг пухта, демократик формуласи мавжуд.

Иттифоқ шартномаси лойиҳасида биринчи марта Иттифоқни тузиш масалалари ҳал этилмоқда. Иттифоққа аъзолик тўғрисидаги масала кўзда тутилянти. Аъзолик мутлақо ихтиёрий бўлиб, халқларнинг ўз ҳоҳиш-иродасини эркин ифода этишидир; фуқаролик масаласи кўзда тутилмоқда, бу эса Иттифоқ доирасида барча одамларнинг ҳуқуқлари ва бурчларини тенглаштиради; ҳудуд тўғрисидаги масала кўзда тутилмоқда. Иттифоқ барча халқлар учун уларнинг ҳудудларига кафолат беради; жумҳуриятлар ўртасидаги муносабатлар кўзда тутилмоқда, бу муносабатларда жумҳуриятлардан ҳар бирининг мустақиллиги таъминланади; мулкчилик, солиқлар ва йиғимлар кўзда тутилмоқда, бунда тегишли субъектлар, уларнинг ҳуқуқлари ва бурчлари аниқ фарқлаб қўйилади.

Ҳа, ўтмишда қоидаларимизнинг жиддий равишда бузилишига йўл қўйилди: Бу узоқ вақт давомида ҳуқуқий давлат барпо этилмаганлигидир; бу муаммолар ўнлаб йиллар давомида ҳал қилинмаганлигидир; миллий сиёсатнинг асосий қоидаларини бузилганлиги, бу сиёсат бир қолипга солиб қўйилганлигидир; бутун-бутун халқларни ўз тарихий ватанидан кўчиришга доир жиноий тадбирлардир; марказнинг зўравонлиги ва тўла ҳукмдорлигидир; бюруқбозликка асосланган иқтисодиёт ва бошқалардир. Ниҳоят бу бутунлай бузилиб, оддий унитар давлатга айланган федерациядир.

Буларнинг ҳаммаси биргаликда одамларнинг ишончида акс этмай қолмади, очиғини айтамиз, одамларнинг ишончига путур етказди. Вазиятга сезгирлик билан назар ташлайлик. Марказ энди стратегияси тўғри бўлган ва оммавий чоралари диққат билан текшириб чиқилган тақдирда ҳам ишонч қозонишни жуда қийин. Шунинг эмас, сонсаноқсиз оғишлар ва бузилишлар жойларда бунга жавобан ўткир фикрларни келтириб чиқарди, бунинг устига айрим жойларда бундай жавоб ҳаракатлари кучли номаъқул омилга эга бўлди. Бундай номақуллиқни тугатиш эса ҳамиша фақат тўғри ҳаракат қилишни эмас, шу билан бирга узоқ вақтни ҳам талаб қилар эди.

Эндиликда тақдим этилган лойиҳада марказнинг эҳтимол тутилган ўзбошимчаликлари йўлига жиддий ғов қўйилган. «ССЖ Иттифоқи билан федерация субъектлари ўртасидаги ваколатларни фарқлаб қўйиш тўғрисида»ги ССЖИ Қонунига нисбатан ҳам Иттифоқ ваколатлари анча торайтирилган. Лойиҳада барча жумҳуриятлар, мамлакатнинг барча халқлари муштарак манфаатларга тааллуқли масалалар ҳақида ғап бораётганига ишонч ҳосил қилиш учун Иттифоқ шартномаси лойиҳасининг 5-моддасини диққат билан ўқиб чиқиш кифоя.

Иттифоқнинг суверенитетини ва ҳудудий яхлитлигини ҳимоя қилиш, ССЖИ давлат чегараларини белгилаш ва қўриқлаш, ССЖИ давлат хавфсизлигини таъминлаш, ССЖИ мудофаасини ташкил этиш ва қуролли кучларга раҳбарлик қилиш, уруш эълон қилиш ва сулҳ тузиш ҳамма жон куйдирадиган, ҳар бир халқнинг манфаатлари ва тақдирига дахлдор масалалар эмасми, ахир? Ташқи сиёсат, иқтисодий тараққиётнинг стратегиясини белгилаб бериш, умумий, базавий ишлаб чиқариш системаларини бошқариш ҳам иродасини ким ифодалайди? Бизда референдумлар ўтказиш тажрибаси йўқ, кези келганда бу қадар муҳим масалаларни ҳал қилиш чоғида халқ ўз ҳоҳиш-иродасини бевосита ифода этишининг ушбу шаклидан ҳам фойдаланиш керак. Шу муносабат билан ССЖИ Президентининг Иттифоқимизни ўзгартириб, уни мустақил давлатларнинг федератив негизидаги Иттифоқига айлантириш хусусида бутун мамлакатда референдум ўтказиш тўғрисидаги таклифини ҳар томонлама қўллаб-қувватласа арзийди.

Энди Иттифоқ шартномасини тузиш тартиби тўғрисида бир-икки оғиз гапирмоқчиман. Бу ҳақда ССЖИ Олий Кенгашида ҳам, жумҳуриятларнинг Олий Кенгашларида ҳам турли нуқтаи назарлар айтилди. Уларнинг моҳияти шундан иборатки, Иттифоқ шартномасини тайёрлаш ва тузиш федерация барча субъектларининг ишидир. Ўхшаши бўлмаган бу тартибни пухта ўйлаб кўриш лозим. Эҳтимол, иш жараёнида мавжуд халқаро-ҳуқуқий тажрибага таяниш мақсадга мувофиқ бўлар. Чунончи, жумҳуриятларнинг мухтор вакиллари позицияларни келишиб олишлари, янги Иттифоқ шартномаси лойиҳасининг матнини тайёрлашлари ва тасдиқлашлари лозимдир. Шундан кейин бу лойиҳани жумҳуриятлар Олий Кенгашларининг мажлисларида муҳокама қилиш ва Олий Кенгаш маъқуллаганидан сўнг уларда шартномани имзолаш учун махсус делегация тайинлаш мумкин бўлур эди. Шундан кейин Иттифоқ шартномаси келишилган тартибга мувофиқ қонуний кучга кириши мумкин. Бошқа вариантлар ҳам бўлиши мумкин.

Ҳурматли ўртоқлар!

Умуман Иттифоқ шартномасини тайёрлаш ва имзолаш жараёни, афтидан, муайян вақт давом этади ва барча манфаатдор томонлар бундан буён ҳам ўзаро келишиб биргаликда куч-ғайрат сарфлашини талаб қилади. Бинобарин, биз амалий ҳаракатлар йўлидан боряпмиз. Шундай бир вазиятда бу ерда сўзга чиққан ССЖИ халқ депутатлари А. Ф. Рюйтель ва И. Ф. Бишер ўртоқларнинг гўё Эстония ва Латвияни кимдир Иттифоқ шартномасини имзолашга мажбур қилаётгани тўғрисидаги гаплари мутлақо асоссизга ўхшайди. Латвия, Литва ва Эстония Олий Кенгашларининг ССЖИ халқ депутатлари тўртинчи Съездига шу йил 1 декабрда Вильнюсда қабул қилинган мурожаатномасининг банди тағин ҳам ҳайратланарли кўринади. Мурожаатномада бундай дейилади: «Биз иқтисодий тазйиқ ўтказиш йўли билан ва ҳарбий куч ишлатиш тўғрисидаги дўқ-пўписалар билан Болтиқбўйи давлатларини Иттифоқ шартномасини имзолашга мажбур қилишга уринишларга қатъий эътироз билдирамиз». Қандай иқтисодий мажбур этиш ва қандай ҳарбий таҳдид тўғрисида гап бўляпти, деб сўраш жоиздир. Бу гаплар мутлақо асоссиз ва улар, фикримизча, ана шу жумҳуриятларнинг халқларига мислсиз тазйиқ ўтказишга қаратилган. Ҳақиқат шундан иборатки, Болтиқбўйи жумҳуриятларининг делегациялари бошқа жумҳуриятлар делегациялари билан бир қаторда маслаҳатлашувга таклиф этилган эди, лекин улар таклифдан бош тортишди. Аммо, бир қанча сиёсий партиялар, жамоат ташкилотлари, ушбу жумҳуриятлар меҳнат жамоаларининг бирлашмалари ва жуда кўп фуқаролари маслаҳатлашувда иштирок этиш тўғрисида бевосита тайёргарлик комитетига мурожаат қилишди, бинобарин, ана шундай маслаҳатлашувлар бўлиб ўтди. Бу жумҳуриятлар умуман Иттифоқ шартномасини тайёрлашда иштирок этишдан бош тортяпти, дейиш нотўғри бўлур эди. Агар шундай дейилса, у ҳолда бу мазкур масала юзасидан ўз фикрига эга бўлган миллионлаб фуқароларнинг қонуний ҳуқуқларини менсимаслик бўлур эди. Биз шартнома тузиш жараёнида қатнашишга барча жумҳуриятларни яна бир бор таклиф этамиз.

Шуни таъкидлаб ўтмоқчиманки, на марказ жумҳуриятларга ва на жумҳурият марказга бирон нарса ҳадя этади. Ҳеч ким қўлини чўзиб тургани йўқ, ҳеч ким ҳеч нарса сўраб, тиланчилик қилаётгани йўқ: бунда ғап халқларнинг ҳаётий муҳим манфаатларини умумий фойдани кўзлаб тенг асосда келишиб олиш тўғрисида бормоқда.

Ғовларни олиб ташлаб, шартномани тайёрлаш ва имзолаш жараёнини таъминлаш учун катта қийинчиликларни енгиб ўтишимизга тўғри келяпти. Энг мураккаб муаммолардан бири — Тоғли Қорабоғ муаммоси ва у билан боғлиқ икки жумҳурият ўртасидаги ўзаро муносабатлардир. Иттифоқ идораларининг бу йўналишдаги жуда кўп куч-ғайратлари ҳали ижобий натижа бермади. Лекин иш давом эттирилмоқда, бинобарин масаланинг ечимини фақат конституцион йўл билан топиш мумкин. Шу сабабли вазиятни изга солиш мақсадида икки қардош жумҳурият раҳбарлари ва парламент аъзолари ўртасида сўнгги вақтда бошланган мулоқотни қутлаймиз.

Молдова ССЖдаги вазият ҳам ҳануз бундан қолишмайдиган даражада мураккабдир. Молдова парламентида дастлабки босқичдаги б